

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 336.71(658)

БОБОҚУЛОВ АКМАЛ МУБОРАКБЕКОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АУДИТОРЛИК
ТЕКШИРУВИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702-« Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Болтаев И.

ТОШКЕНТ-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ—ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Республикамизда банк аудитини шаклланиши ва ривожланиши.....	7
1.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички ва ташқи аудитни ташкил этишнинг асосий талаблари.....	14
1.3 Банкларда ички ва ташқи аудит ўтказишининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.....	23
II БОБ БАНКЛАРДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	31
2.1. Тижорат банкларида аудит ўтказиш тартиблари.....	31
2.2. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини ташқи аудитдан ўтказишнинг таҳлили.....	56
III БОБ БАНКЛАРДА АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..	66
3.1 Банк тизимида аудиторлик текширувларини ўтказишни такомиллаштиришнинг умумий йўналишлари.....	66
3.2. Ички ва ташқи аудит ўтказишнинг молиявий манбаларини такомиллаштириш.....	73
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Аудиторлик фаолиятини ўрганувчи ва унинг асосини ташкил қилувчи аудит фани корхоналарни таъсис этишдан тортиб уни бошқариш жараёни, корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва корхона фаолиятини таҳлил қилишни услубий томонларини ўргатади. Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилаётган ресурслар захирасини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхона рақобатбардошлиги даражасини ошириш, хужалик фаолиятига ҳамда корхонанинг иқтисодий салоҳиятига тўғри баҳо бериш кабилар услубий томонлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари аудит, корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йулларини аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ўргатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “... иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёни тегишли бозор инфратузилмасини, яъни банк–молия тизимини, лизинг, аудиторлик, инжиниринг ва бошқа тузилмаларини ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”¹ деб таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам **диссертацион ишимизнинг мавзуси долзарб мавзу бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги ўтган қарийб йигирма беш йил давомида шаклланган банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш, янада ривожлантириш масаласи, ҳозирги жаҳон иқтисодий инқироzi давом этаётган даврда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2008й.-31 б.

Фақат кучли банк назоратгина иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган банк – молия тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини, иқтисодий инқирозларнинг олдини олинишини, хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз банк – молия тизимига ишончини янада ошишини таъминлайди.

Тадқиқот объекти: Мазкур илмий тадқиқот ишимизнинг объекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Тижорат банкларида аудит ўтказишни ташкил қилиш жараёнларида ва улар фаолияти натижаларини ўрганиш жараёнида юзага келган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тижорат банкларининг фаолиятини аудитдан ўтказишнинг, ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш, аудит ўтказишнинг ҳозирги ахволини, муаммоларини чуқур ўрганиб таҳлил қилган ҳолда, талаб ва тартибларини мустахкамлаш ва такомиллаштириш тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритиб, амалий таклифлар ишлаб чиқиш диссертация ишимизнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

-аудит ўтказишнинг услубиятини ва банк аудитини ташкил этиш бўйича илғор аудиторлик компаниялар тажрибаларини ўрганиш;

- банк аудитининг республикамиздаги меъёрий-ҳуқуқий базасини таҳлил қилиш;

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамизда банк аудитини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги: Бозор иқтисодиёти шароитида банк аудитини ташкил этиш ва ўзига хос томонларини очиб бериш ушбу соҳада мавжуд

бўлган муаммоларни назарий жиҳатдан асослаш ва Магистрлик диссертациясининг асосий янгиликларига қуйидагилар киради:

- тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва ички аудит хизматининг молиявий жиҳатида мустақиллигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- мамлакатимиз банк тизимида аудиторлик текширувларининг ўрни ва ташкилий вазифаларини такомиллаштириш зарурлиги жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсирини ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги шароитида илмий асосланиб берилди;

- тижорат банкларини ўз маблағлари, капитали ва активларини, банк мулки, банк муомалалари аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳалқаро талаблар бўйича илмий тавсиялар қилинди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишининг асосий масалалари тижорат банклари фаолиятида аудиторлик текшируви ва уни ташкил қилишнинг назарий асосларини батафсил ёритиб бериш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларда аудиторлик текширувини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили) – Тижорат банклари фаолиятида аудиторлик текширувини ташкил қилишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш масалалари кўпчилик иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг эътиборида бўлган. Хусусан, хорижлик олимлардан Л.Г. Батракова, Г.Н. Белоглазова, О.В. Ефимова, Е.П. Жарковская, Г.Г. Коробова, О.И. Лаврушин, Д.М. Нотон, И.В. Пещанская, А.К. Полищук, А.Д. Шереметларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Абдуллаева, Н.Каримов, Т.Қоралиев, И.Муругова, К.Наврўзова, С.Норқобилов, Х.Раҳимова ва илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармонларидан, Қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, турли матбуот органларида эълон қилинган материаллардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, илмий ишни ёзиш жараёнида республикаимиз банк тизимида фаолият кўрсатиб келаётган банкларнинг ҳисобот материаллари ҳам жалб этилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи – диссертация ишида диалектик ёндашув, тарихийлик, мантикийлик ҳамда анализ ва синтез, статистик гуруҳлаш ва иқтисодий таҳлил, таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, илмий жиҳатдан янгиликлар даражаси ва унинг амалий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

Биринчи бобда банк тизимида аудиторлик текширувларини ташкил этишнинг назарий асослари ва унинг меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солиниши ёритилади.

Иккинчи бобда тижорат банкларида ички ва ташқи аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби ва унинг муаммолари, шу жумладан тижорат банклари таъсис ҳужжатлари ва устав капитали аудитини, банк муомалалари аудитини, тижорат банкларининг кредит муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби, каби муҳим тушунчалар ва масалалар ёритилган.

Учунчи бобда, банк тизимида аудиторлик текширувларини ўтказишни такомиллаштириш ва унинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хулоса қисмида магистрлик ишларимиз бўйича олиб борилган илмий изланишлар жараёнида вужудга келган барча хулоса ва таклифлар баён қилинган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ—ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Республикамизда банк аудитини шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда аудитни ривожланишига кадрларни тайёрлаш ва нормалар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси катта ҳисса қўшди. Аудитни ривожланишида аудиторларнинг профессионал тайёргарликлари муҳим рол ўйнайди. Шунга асосан юртимиз томонидан аудиторлик текширувларини ривожланиши ҳамда талаб даражасида хизмат кўрсатиши мақсадида 1992 йил декабрда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда янги таҳрир асосида ишлаб чиқилган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилди.

Жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш, қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, натижаларни ойдинлаштириш, олдиндан амалга оширмақчи бўлган имкониятларни чамалаш, келгуси ишларни режалаштириш, фаолиятни сарҳисоб қилиш ва фаолиятга баҳо бериш тизимлари ўз-ўзидан жамият учун зарурат сифатида аста секин шакллана бошлади. Шундай фаолият турларидан бири бу аудиторлик фаолиятидир.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Аудиторлик фаолиятини ўрганувчи ва унинг асосини ташкил қилувчи аудит фани корхоналарни таъсис этишдан тортиб уни бошқариш жараёни, корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва корхона фаолиятини таҳлил қилишни услубий томонларини ўргатади. Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилаётган ресурслар захирасини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхона рақобатбардошлиги даражасини ошириш, хужалик фаолиятига ҳамда корхонанинг иқтисодий салоҳиятига тўғри баҳо

бериш кабилар услубий томонлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари аудит, корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йулларини аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ўргатади. Жамиятдаги муносабатларда аудитнинг зарурияти ҳисобот бериш концепцияси талаблари бажарилиши юзасидан келиб чиқади. Бу бир томон иккинчи бир томонга ҳисобот бериш ва мажбурият бажарилишини назорат қилишни эътироф этади ва бу назорат маълум бир маълумот, тушунтириш ёки ҳисобот олишни назарда тутати. Ҳисобот бериш қуйи бўғин бошқарувчилари юқори бўғин бошқарувчиларнинг акциядорларга ҳисобот бериши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун аудит назоратнинг механизми сифатида юзага келади ва ҳисобот беришнинг бажарилишига ва уларнинг ойдинлаштирилишига ёрдам беради. Аудит орқали воситачилик шартномалари амалга ошади, чунки бунда воситачининг фаолияти назорат қилинади. Тўғри маълумотлар олишда, берилаётган ахборотдаги ноаниқликни аниқлашда аудит яна ҳам зарурдир. Аудит қабул қилинаётган қарорлар сифатини ва корхона активларини тақсимланишини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Яна аудитга суғурта кафолати бажарилишини таъминлайдиган чора сифатида қаралади.

Бозор муносабатларининг ривожланишини ва иқтисодий эркинлаштириш натижасида аудиторлик фаолияти тез суръатлар билан ривожланиб тафтиш тушунчасини сиқиб чиқармоқда.

Аудит ва тафтиш тушунчалари кенг маънода хўжалик юритувчи субъектлар билан молия-хўжалик фаолияти устидан ўрнатиладиган иқтисодий назоратни ташкил этиш усуллари ҳисобланади. Аудит ўтказишда ҳужжатли ва ҳақиқий тафтишнинг айрим амаллари, айрим ҳисоб объектларини тафтиш қилиш усулларидан фойдаланилади. Аудит хўжалик субъектининг оммавий молиявий ҳисоботини тўғрилигини, тўлиқлигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги қонун ва талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган мустақил экспертиза ва

тахлилни билдиради. Бундан ташқари аудит яна бошқа назорат ишларини ўз ичига олади.

1.1-жадвал

Ўзбекистонда аудитнинг ривожланиш босқичлари²

I босқич – 1992- 2000 йиллар	- “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши - 9 та Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари тасдиқланиши
II босқич – 2000-2007 йиллар	- “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши - Йўриқномалар а) Аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотларига лицензиялаш бериш тўғрисида б) Аудиторларга малака сертификатини бериш тўғрисида - 12 та Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари тасдиқланиши
III босқич – 2007 йилдан ҳозирги даврагача	- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №615-сонли ва “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 907 сонли Қарорлари қабул қилиниши - Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Йўриқноманинг тасдиқланиши - 2008 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик текширувларига турига қараб аудиторлик фаолиятини лицензиялаш талабларини дифференциялашган тизимга ўтилиши

²

Манба: Тулаходжаева М.М., Пономарева А.Н. “Пути перехода к применению международных стандартов аудита в Республике Узбекистан”. Аналитическая записка. – Ташкент 2010 – 28 стр.

Аудитнинг асосий фаолияти субъектнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ фактларни йиғиш ва баҳолашдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб аудитнинг асосий фаолият турларини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай аудиторлик фаолиятини юритишнинг мажбурий шарти бўлиб унинг чегараси ҳисобланади. Бундай чегаралар муайян иқтисодий субъектнинг ўлчамлари ёки тармоқ аудитида маълумот тизимини текшириш билан аниқланади.

Иккинчидан, аудитор аудит объекти ва уни ўтказилишидан манфаатдор бўлганлар ўртасидаги «ахборот бўшлигини» тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу асосан ҳисоботларда айрим маълумотларни етишмаслиги ёки ҳисоботдаги маълумотлар ишончлилиги билан баҳолаш қарор қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолда.

Учинчидан, аудит ўтказаётган шахсларнинг малакаси асосий шартлардан ҳисобланади. Аудитор керакли маълумотларни йиғиш ва ўлчовларни тушуниш орқали маълумотларни баҳолашни яхши билиши керак. Бундан ташқари, аудитордан муомала меъёрларига риоя қилиш талаб қилинади, яъни у ўзини мустақиллигини сақлаш ва ташқи ҳамда ички таъсирларга қарши тура олиши керак.

Шунингдек Ўзбекистондаги аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосасини бериш қобилиятига эга, сертармоқ ва профессионал даражадаги умуммиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтди, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилди. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошкоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий

ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани, яъни раҳбарлар, ходимлар, мижозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. бинобарин мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан ҳам ушбу соҳани ривожлантириш ва талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш, ҳамда республикаимизда аудит соҳасини ривожланиши ва такомиллашиши учун барча чораларни кўриб бормоқда.


Тижорат банкларида ўтказилаётган аудиторлик текширишлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чоратдбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Мазкур фармон талабларини бажарилишини таъминлаш ва Республикада банк аудитини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Марказий Банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кирувчи тижорат банклари аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди. Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий Банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида”ги, “Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака

аттестациясидан ўтказиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар ишлаб чиқилди. Фармоннинг 1-банди 3-хат бошисига асосан Республика ҳудудида иш юритувчи аудитор фирмалари ва аудиторларга тижорат банкларида аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи 6 та сертификатлар ҳамда 10 та малака сертификатлари берилди. Фармондан кейин “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малакаси бўйича аттестация комиссияси” тамонидан қуйидаги халқаро аудиторлик консалтинг фирмаларига банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини Ббрувчи тегишли сертификатлар берилган:

1. “Куперс энд Лайбранд” (2-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 14 ноябрда берилган);
2. АОЗТ “Делойт энд Туш” (3-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 14 ноябрда берилган);
3. “Артур Андерсен” (4-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 14 ноябрда берилган);
4. “Эрнест энд янг” (5-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 30 декабрда берилган);
5. “Кей Пи ЭМ Джи” (6-сонли сертификат (лицензия) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 30 декабрда берилган);

Ушбу аудиторлик фирмалари банк ва молия соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатиш ва аудит ўтказиш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Бундан ташқари “Ўзбанкаудит” акционерлик жамиятига 1996 йил 3 октябрда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи 1-сонли сертификат (лицензия) ва 4 та аудиторга малака сетификати берилган. Тижорат банкларида аудит текширувлари ўтказиш учун жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда техник топшириқлар ишлаб чиқилган эди ва бу техник вазифалар Марказий Банк бошқарувида 1997 йил 10 майда тасдиқланган эди. Марказий Банк бошқаруви топшириғига мувофиқ мутахассислар

томонидан банк аудитини ўтказиш хусусида тузиладиган шартномаларнинг намунаси ишлаб чиқилди ва 1996 йил 16 декабрдаги 416-сонли фармойишига асосан аудиторлик фирмалари билан тижорат банкларида аудит ўтказиш учун шартномалар тузиш комиссияси тузилди. чунки Президент Фармонларига мувофиқ тижорат банкларини халқаро аудитдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Марказий Банк ҳисобидан амалга оширилиши керак эди. Президент фармонини бажариш борасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини гуруҳларга, аудитор Фирмаларига тақсимлаш, ҳамда уларда операцион аудит ўтказиш учун ташқи аудиторларга бериладиган техник топшириқларни ва аудиторлик хизматига ҳақ тўлаш тўғрисида 1997 йил майда Марказий Банк бошқарув қарори қабул қилинди.



1.1-расм. Аудиторлар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш Марказий банкга юклатилган бўлиб, у банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини олиш учун аттестацияни ташкил қилади, банк аудити билан шуғулланиш учун лицензия беради ва уларни бекор қилади, банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилади, банк аудитини ташкил қилиш устидан доимий назоратни ташкил қилади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички ва ташқи аудитни ташкил этишнинг асосий талаблари

Ҳар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек банк Кенгаши тасдиқлайдиган "Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом", "Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари" ҳамда "Бош ички аудитор лавозим йўриқномаси"ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Аудит хизмати ходимларининг касбий кўникмалари уларни мунтазам ва узлуксиз ўқитиб бориш орқали оширилиши лозим.

Ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

- бажараётган вазифалари характерига тааллуқли олий маълумотга ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакага эга бўлишлари;
- банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларини билишлари;
- умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ҳисоби ва аудит андозаларини яхши билишлари;
- ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари;
- вазифаларни ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштирилаётганда чекловларга эга бўлмасликлари.

Банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитаси Аудит хизматининг ҳар бир ходими касбий маҳоратини унинг ахборот танлаш, текширувлар ўтказиш, ҳулосаларни баҳолаш ва тайёрлаш жараёнидаги касбий маҳорати даражасини эътиборга олиб, доимий равишда баҳолаб боришлари лозим. Шу муносабат билан молия сектори ривожланиши натижасида банк фаолияти мураккаблашиб бораётганини ҳамда Аудит хизмати бажариши лозим бўлган вазифалар ортиб бораётгани ҳисобга олиниши шарт.

Аудит хизмати ходимларининг касбий кўникмаларининг ва билим даражаларининг мунтазам ва доимий равишда оширилиши қўллаб-

қувватланиши лозим. Банк соҳасини компьютерлаштириш шароитида аудит хизмати аудит ўтказиш учун талаб этиладиган малака даражаларини оширишда етарли имкониятларга эга бўлишлари лозим.

Ички аудит текширувлари фақатгина Аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилади. Ички аудит банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Аудиторлик текшируви режасига мувофиқ ўтказилади. Аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш мақсадида аудиторлик текшируви режаси банк Кенгаши томонидан бир йилда камида бир марта тегишли йилнинг 1 январига қадар қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Аудиторлик дастури аудиторлик текшируви мақсадини аниқ белгилаши ва изоҳлаб бериши, иш режаси, аудиторлик текширувини ўтказиш графиги ўз ичига олиши лозим. Тижорат банкларида ички аудит бир йилда камида бир марта ўтказилиши лозим. Ички аудиторлик текширувини ўтказиш даврийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳага боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини баҳолашга асосланган бўлиши (Аудит хизмати ходими операциялар таваккалчилиги даражасини аниқлашда банк операцияларининг хусусиятлари, банк активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ва ички назоратнинг тегишли сиёсати ва стандартларининг мавжудлиги ҳамда бошқарув ва ички назоратнинг самарадорлиги каби омилларни эътиборга олиши керак. Аудит хизмати текширув вақтида капиталнинг етарлилиқ даражасини баҳолаш, активларнинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқаришни ва ликвидлилиқни баҳолаш, ўтказилган банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини баҳолаш каби саволларга жавоб бериши лозим. Аудит хизмати активларнинг сақлаш усуллари ва зарурат туғилганда уларнинг мавжудлигини текшириши лозим. Бундан ташқари Аудит хизмати натижаларнинг қўйилган мақсад ва вазифаларга мослиги ҳамда операция ва дастурлар режага асосан бажарилишини аниқлаш мақсадида операциялар ёки дастурларни текшириши лозим. Ички аудит текшируви натижалари текшириш ҳисоботи ва уни тўлиқ тасдиқловчи иш

хужжатлари тўпламини ўз ичига олиши зарур. Банк сиридан иборат маълумотлар ҳамда ошкор қилиниши банк раҳбарияти томонидан таъқиқланган махфий маълумотлар ошкор қилинган ҳолда уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар кўрилади.

Аудит ҳисоботи аудиторлик текшируви яқунланганидан сўнг зудлик билан тайёрланиши зарур. Аудиторлик ҳисоботи камида аудит мақсади ва объектларини, ички аудит кўламини, аниқланган муаммо ва камчиликлар, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа бўйича аниқ тавсияларни ўз ичига олиши керак. Жавобгар бўлган шахслар ҳамда чора-тадбирларни бажариш муддатларини ақс эттириши лозим.

Аудит хизмати ҳисоботлари бевосита Банк кенгашига ёки Аудиторлик кўмитасига тақдим этилиб, банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари банк Бошқаруви ва банкнинг алоҳида таркибий тузилмалари бошлиқларига тақдим этилади (бевосита ушбу бўлинмага тегишли қисми).

Аудит хизмати текширишдан кейинги назоратни ўрнатиши лозим. Марказий банк лозим бўлганда банкдан Аудит хизмати ўтказган текширувлар билан боғлиқ бошқа ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Ташқи аудит ўтказиш мақсадида аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар банкларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг объективлиги ва тўлиқлиги учун амалдаги қонун ҳужжатлари ва шартнома талаблари асосида жавобгардирлар. Аудиторлик ташкилотлари банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

-Марказий банкнинг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига ва ўз штати рўйхатида турган ёки аудитор билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган Марказий банкнинг малака сертификатини олган камида иккита аудиторга эга бўлиши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларга риоя этиши;

-банк сўровига асосан аудиторлик изоҳларини асословчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этиши;

- аудиторлик текширувини мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга ошириши;

- аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлигини бузиш фактлари аниқланган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

- банк мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан банкка зарар етказиш, улар томонидан амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг қасддан ёки ҳаракатсизлик оқибатида қўпол равишда бузилишига йўл қўйилганлиги каби фактлар аниқланганда банк раҳбариятига, шунингдек Марказий банкка ёзма равишда хабар бериши ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувларни қайд этиши;

- аудиторлик текширувлари натижалари бўйича тузилган аудиторлик ҳулосалари ва ҳисоботларини асл нусхаларидан бирини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз архивида сақланишини таъминлашга мажбурдирлар.

Банк раҳбарияти ва банкнинг бошқа мансабдор шахслари:

- аудиторлик текширувларини ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун аудиторларга шароит яратиши, уни ўтказилиши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиши, шунингдек, аудиторлар сўровига асосан оғзаки ва ёзма равишда тушунтириш ва (ёки) изоҳлар бериши;

- аудиторлик текшируви давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш қоидалари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартибига риоя этмаслик ҳолатлари бўйича аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиши лозим.

Аудиторлар берган барча тавсиялар бўйича банклар ўз молиявий ҳисоботларида тегишли тузатишларни амалга оширишлари лозим. Аудиторлик тузатишлари банкнинг филиалларига тегишли бўлса, ушбу тузатишлар мазкур филиалларнинг бухгалтерия китобларига киритилиши лозим. Аудиторлар банкнинг Бош китобига тузатиш киритиш ҳақидаги

тавсиялари бўйича банк томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Марказий банкка ахборот тақдим этилиши лозим. Ушбу ахборотда:

- банк Бош китобига аудиторлар томонидан киритиш тавсия этилган тузатишлар рўйхати;

- тузатишларнинг мазмуни, сабаблари ва асослари;

- банк томонидан инобатга олиниб, Бош китобга киритилган тузатишлар;

- банк томонидан инобатга олинмаган тузатишлар рўйхати, уларнинг ҳар бири бўйича банкнинг тушунтириш ва изоҳлари, меъёрий-ҳуқуқий асослари (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, рақами, банди) акс эттирилиши шарт.

- Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида амалга оширилиши, аудиторлик текшируви натижаларига кўра банкнинг молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланиши шарт ва бу ҳақда аудиторлик хулосасида аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Томонлар келишувига асосан, қўшимча равишда МХХС ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текшируви ўтказилиши ва молиявий ҳисоботлар тайёрланиши мумкин.

Аудиторлик хулосасида аудиторлик текшируви банк томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар) асосида ўтказилиб, банк тақдим этган молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)нинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик банкка юклатилиши ҳақида шарт ўрнатилишига йўл қўйилмайди ва бу талаб шартномада аниқ белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Банк тақдим этган ва банкнинг ўзига тегишли бўлган молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)нинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини текшириш аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари доирасига киради. Аудиторлик ҳисоботида умумий масалалар билан бир қаторда акс эттирилиши лозим бўлган қуйидаги масалалар ўрганилиши ва улар бўйича хулосалар берилиши шарт:

- банк капитали етарлилигини баҳолаш, шу жумладан I ва II даражали банк капитали миқдорларини аниқлаш ҳамда «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 949, 2000 йил 25 июль) мувофиқ, регулятив капитални ҳисоблаш, шунингдек, банк устав капиталини белгиланган муддатда ва эълон қилинган миқдорда шакллантирилганлигини ўрганиш;

- валюта, қимматли қоғозлар ва асосий воситалар билан боғлиқ операцияларни тўғри амалга оширилишини ва молиявий ҳисоботларда ҳаққоний акс эттирилишини таҳлил қилиш;

- банк даромадлари ва харажатларини ҳамда фойдасини солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳисобланганлигини ва тўланганлигини текшириш;

- «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби» талабларига мувофиқ, банк активларини таснифланиши ҳаққонийлигига ва етарли миқдорда захираларни шакллانганлигига баҳо бериш;

- банк активлари ва мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизларни «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низом³ талабларига мувофиқлигини текшириш;

- «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида»ги Низомга⁴ асосан банк активлари бўйича ўз вақтида фоизларни ўстирмаслик мақоми қўлланилишини текшириш;

- банкнинг ўз таваккалчиликларини бошқариш бўйича фаолиятига ва банк таваккалчилик, шу жумладан кредит, ликвидлик, валюта, фоиз, операцион таваккалчиликлари даражасига баҳо бериш;

- банкнинг ликвидлиги, тўловга лаёқатлилиги, рентабеллилиги ва

³ «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низом³ рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь

⁴ «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида»ги Низомга рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь

молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш;

- банк томонидан қабул қилинган таъминот (мол-мулк гарови, кафиллик) ва банк томонидан берилган кафолатлар билан боғлиқ ҳужжатлар расмийлаштирилишини ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилишини текшириш;

- келажакдаги пул оқимлари ҳисобига молиявий мажбуриятларнинг сўндирилишини таҳлил қилиш;

- гудвиллни баҳолаш;

- аналитик ҳисобнинг синтетик ҳисобга ҳамда бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

- бухгалтерия ёзувларини тегишли ҳисобварақларда «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби Ҳисобварақлари Режаси» (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) талабларига мувофиқ акс эттирилишини баҳолаш;

- банкнинг ички аудит хизматини, ички назорат тизимини, бухгалтерия ҳисоби тизими (сиёсати)ни баҳолаш, умуман банк менежментини оқилон ташкил этилганлигини ўрганиш ҳамда улар ишини Марказий банк талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

- банкнинг бошқа активлар (19900), бошқа мажбуриятлар (29800) ва аниқланиш жараёнидаги трансакциялар (17305, 23206) ҳисобварақлари орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги ва ушбу ҳисобварақларда ҳисобга олинаётган маблағларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва баҳо бериш;

- банкнинг ўтган йилга нисбатан аудит текшируви даврида молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларини ўзгаришига баҳо бериш;

Банкнинг молиявий ҳисоботидаги соф фойда ва капитал миқдори аудит текширувидан ўтказилган молиявий ҳисоботдаги соф фойда ва капитал миқдори билан таққосланиши лозим ва улар ўртасида фарқ мавжуд бўлса бунинг сабаблари батафсил изоҳланиши шарт.

Банкларда интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимининг тадбиқ этилиши муносабати билан, аудиторлар банкларда ахборот технологияларини тадбиқ этиш ҳолати, электрон архивларни юритилиши ва ходимларнинг ахборот тизимлардаги маълумотлардан фойдаланишига рухсат берилиши (доступ)ни ташкил қилиниши бўйича ўз хулосаларини беришлари лозим.

Банкда ўтказилган аудиторлик текшируви яқунлари бўйича Аудиторлик ташкилоти банк Кенгашига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

- аудиторлик ҳисоботи, банкнинг баланс, фойда ва зарарлар ҳисоботи ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлари бўйича ҳолис аудиторлик хулосаси;

- ички аудитнинг аҳволи тўғрисида алоҳида ҳисобот;

- аудиторлик текшируви давомида аудиторлар томонидан тайёрланган бошқа ҳисоботлар;

- бухгалтерия ҳисобидаги барча ноаниқликлар, банк фаолиятидаги камчиликлар, банк активлари ва пасивларини бошқариш, унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни баҳолаш билан боғлиқ аудиторлик тавсияларини ўз ичига олган банк раҳбариятига алоҳида хат;

- зарур бўлган ҳолларда, бухгалтерия ўтказмаларига тааллуқли иш ҳужжатларининг нусхалари.

- Банк Кенгаши аудиторлик ҳисоботини олган даврдан бошлаб, 30 кун мобайнида, текширув давомида аудиторлар томонидан аниқланган банк фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган тадбирлар тўғрисида Марказий банкка ҳисобот беради.

Ҳисоботни тақдим қилиш санасига банкда бартараф этилмаган барча камчиликлар бўйича тузатишларни яқунлаш юзасидан саналари аниқ кўрсатилган ҳаракатларнинг батафсил режаси мавжуд бўлиши лозим.

Марказий банкнинг талабига биноан, аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувини якунлаганидан сўнг тузатишларга доир иш ҳужжатлари нусхасини Марказий банкка тақдим этадилар.

Тижорат банклари молиявий йил якунига қадар аудиторлик ташкилотини танлайдилар ва аудит текширувини ўтказиш тўғрисидаги аудит ташкилоти билан тузилган шартнома нусхасини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 2 оyi давомида Марказий банкка тақдим этадилар.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида Низоми»га мувофиқ ўтказилиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, акциядорлар, кредиторлар ҳамда молиявий ҳисоботлардан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда банкнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар ҳисобланадилар.



1.2-расм. Аудиторлик хулосаси элементлари ⁵

⁵ Муаллиф томонидан тайёрланди

Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси қасддан сохта тузилганлиги аудиторлик ташкилотига Марказий банк томонидан тақдим этилган банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатнинг амал қилишини ўрнатилган тартибда тугатилишига, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

1.3. Банкларда ички ва ташқи аудит ўтказишининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.

Банк аудитнинг тўғри ташкил этилиши ва самарадорлиги унинг ҳуқуқий асосларига бевосита боғлиқдир.

Банк аудитнинг ҳуқуқий асослари деганда аудитни ташкил қилиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштиришга асос бўладиган ёки ушбу жараёнларни амалга ошириш учун ҳуқуқ берадиган меъёрий ҳужжатлар мажмуаси тушунилади.

Банк аудитнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи меъёрий ҳужжатларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- банк аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар;
- банк аудитни ўтказиш билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар;
- банк аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;
- аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти ҳам давлат томонидан, ҳам касбий жамоатчилик ташкилотлари томонидан бошқарилади ва мувофиқлаштирилади. Шу мақсадларда олий мажлис томонидан махсус қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва аудиторлик ташкилотлари(фирмалари) тузилган улар самарали фаолият кўрсатиб турибди.

Биз илмий тадқиқотимизнинг илмий ва қонуний бажарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг асосийлари билан танишиб ўрганиб уларнинг асосий мазмуни ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш, амалга ошириш ва ҳуқуқий тартибга солиш қўйидаги асосий меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади (3-иловага қаралсин)

1. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида” ги қонуни.

2. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонун.

3. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги қонун.

4.”Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 22 декабрда 992- рақам билан рўйхатга олинган).

5. Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида” Низом(Адлия вазирлигида 2000 йил 20 июнда 982- рақам билан рўйхатга олинган.).

6.Тижорат банкларида ички назоратни ташкил қилиш бўйича тавсиялар (Марказий банк томонидан 1-июль 1998 йил 404 –рақам билан тасдиқланган).

7.Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш тартиби тўғрисида Низом (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йил 237-рақам билан тасдиқланган).

8.”Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.1996 йилдаги ПФ-1500 – сонли Фармони).

9.Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудит аудиторларни малакавий аттестация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки комиссияси ҳақида

Низом.(Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йилда 238- рақам билан тасдиқланган).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йил 34-А/1 сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2011 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш Марказий банкга юклатилган бўлиб, у банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини олиш учун аттестацияни ташкил қилади, банк аудити билан шуғулланиш учун лицензия беради ва уларни бекор қилади, банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилади, банк аудитини ташкил қилиш устидан доимий назоратни ташкил қилади.

Аудитни давлат даражасида тартибга солиш борасида унинг ўтказиш сифатини ошириш ва амалиётга илғор тажрибаларни жорий қилиш мақсадида, аудиторлик касби эгалари риоя қилиши лозим бўлган аудиторлик фаолияти миллий стандартлари ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланади.

Аудиторлик стандартлари – бу барча аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) ўз фаолиятида амал қилиши лозим ягона баъзавий қоидалардир.

Аудиторлик стандартлари асосий **мақсади** аудит ўтказишга ва ҳужжатлар тайёрлашга аудит сифат даражасини баҳолашга, аудиторларни тайёрлаш тартибига ва уларга риоя қилинганда аудиторлик текшируви натижаларини кафолатлаш мақсадида ишлаб чиқилган умумлашган асосий томойилларини жамлашдан иборатдир. Стандартларга аудит қандай шароитда ўтказилаётганлигидан қатъий назар риоя қилиниши лозим. Ўз амалиётида стандартлардан четга чиқиш ҳолларига йўл қўядиган аудитор ўз фаолиятини асослаб беришга тайёр бўлиши лозим.

Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари халқаро аудиторлик стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган. Ҳозирги

кунда аудиторлик фаолиятининг 21 та миллий стандарти яратилиб амалиётга жорий қилинган.

Аудиторлик фаолияти стандартларининг тўртта ўзаро боғлиқ қисмларида тасаввур қилиш мумкин:

Асосий тушунчалар – стандартларга мослиги, стандартларнинг ёрқинлиги ва ўзаро мос келиши, хулосаларнинг беғаразлиги, раҳбариятнинг масъулияти, ички назорат воситалари, маълумотнинг очиқлиги, фаолият назорати, текширув ўтказиш техникасини яхшилаш, манфаатлар тўқнашуви ва х.к.;

Умумий стандартлар - улар аудиторнинг малакасига профессионал талаблар йиғиндисини ифода этади. Аудитор фикрининг бетарафлиги, бажарилаётган ишга доир ҳамма масалаларга етарлича эътибор бериши ва бошқалар;

Ишчи стандартлар ёки аудиторлик текшируви ўтказиш стандартлари; уларда текширув жараёни режалаштирилиши, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини ўрганиш ва баҳолаш, исбот қилувчи далиллар олиш, аудит ўтказиш сифатини назорат қилиш ва х.к.;

Ҳисобот тузиш стандартлари - улар аудиторлар ҳисоботининг шаклига, ҳамда мазмунига бўлган талабларни ўзида ифодалайди.

Қабул қилинган аудиторлик фаолияти стандартларининг аҳамияти кўпқиррали текширишларнинг сифатини ошириш билан бирга, янги технологияларни кундалиқ ҳаётга, амалиётга киритишга ёрдам бериш билан аудиторлик стандартлари аудиторларига мижозлар билан шартнома тузишда ёрдам беради, текширувчиларга текшириш жараёнини яхшироқ англашга ёрдам беради ва судда ўтказилган аудитнинг сифатини исботлашга асос бўлади.

Тижорат банклар учун Марказий банк томонидан банкларда аудиторлик текширишни ўтказиш сертификати берилган аудиторлик ташкилоти танланади.


Банк ҳисоботи, аудиторлик хулосаси, аудиторлик текширувлари Марказий банк талаб қилган шаклда қилинади ва аудиторнинг фикрини аниқ билдириши лозим.

Аудиторнинг фикри аудит қонунчилик ва халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилганлигини кўрсатиши керак.

Аудиторнинг ҳисоботида аудит қонунчилиги ва халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилганлиги ҳақида сўз, фикр, ибора кўрсатилмаган бўлса, қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган ҳисобот сифатида улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинмайди.

Аудит хулосасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Марказий банк, банк Кенгаши ва бошқаруви аудиторлик ташкилоти аниқлаган камчиликларни бартараф қилиш йўллари, шу жумладан “изоҳли” фикр билдиришга олиб келган камчиликлар, Молиявий Ҳисоботни Халқаро Стандартларини(МХХС), МХХС шартларига мос келмаса, унда бир ой ичида тижорат банки томонидан аудиторлик ташкилоти томонидан кўрсатилган изоҳланган камчиликларни тўғрилайди ва аудиторлик ташкилотидан янги хулоса олиниши мумкин.

Банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берадиган сертификатни олган аудиторлик ташкилотлари, Марказий банкга ўтказилган аудиторлик текширувлари ҳақида маълумот беришлари шарт.



1.3-расм. Банк фаолиятини текширганлиги тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ҳақиқий деб топилмаслиги⁶

Банк фаолиятини текширганлиги тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ҳақиқий деб ҳисобланмайди агар:

- а) аудиторлик ташкилоти ёки аудитор банк билан боғлиқ томонлари бўлса;
- б) аудиторлик ташкилоти ёки аудитор банк олдида пул мажбурияти бўлса;
- в) аудиторлик ҳисоботи аудитор томонидан имзоланмаган бўлса;
- г) аудиторлик текширувини қўлами чегараланганлиги сабабли аудиторлик ҳисоботи “шартли” фикрдан иборат бўлса.

Банкнинг меъёрий актларга шу билан бирга банк аудитининг назоратини: “Марказий банкнинг тижорат банкларини иш фаолиятини назорат қилиш ва лицензиялаш департаменти” олиб боради.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

⁶ Муаллиф томонидан тайёрланди

-аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин банкнинг таъсисчи ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

-аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида банк фаолиятига тегишли ҳужжатларнинг тўлиқ текшириш, моддий бойликлар ва қимматли қоғозларни мавжудлигини, вужудга келган саволларга аниқлик киритиш ва аудиторлик текширувларига керак бўладиган қўшимча маълумотларни олиш;

-учинчи шахслардан ёзма равишда сўров бўйича керакли маълумотларни олиш;

-аудиторларни, аудиторлик ташкилотини ёки уларнинг ходимларини шартномага асосан аудиторлик текширувида иштирок этишга жалб қилиш;

-текширилаётган банк томонидан текшириш учун керакли бўлган ҳужжатлар билан таъминланмаган ҳолларда аудиторлик текширувидан бош тортиш;

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти” тўғрисидаги қонуннинг (янги таҳрирда) 17 моддасига асосан, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар ўзлари бошқа мутахассислик хизматлар

Кўрсатган ҳолларда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ҳамма аудиторлар банк аудитини ўтказиш учун ҳамма керак деб ҳисоблаган ҳужжатларини ва маълумотларни шарқсиз кўриш ва нусха олиш ҳуқуқига эга, ҳамда аудиторлик текширувини муҳофафа қилиш бўйича банк раҳбариятини олдига эркин тарзда кириши мумкин.

Банклар аудитини амалга оширадиган аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти мажбур:

- аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, аудит услубиёти ва жараёнларига амал қилиши;

- аудиторлик ҳисоботида банк ва молиявий – хўжалик муомалалари қонунбузарлик ҳолатларини ақс этириш ва уларни бартараф қилиш бўйича маслаҳат бериш;

- аудиторлик стандартларига асосан аудиторлик текширувларини малакали ўтказиш;

- текширув жараёнида олинган ва тузилган хужжатларни сақлашни таъминлаш;

- Марказий банкнинг талабига биноан ҳамма ишчи хужжатларни ва уларни нусхаларини бериш;

Марказий банкга ва тижорат банкига қуйидаги ҳолларда дарҳол хабар бериши керак:

- а) банкни аудиторлик текширувида қатнашаолмаслик сабабларини;

- б) аудит жараёнида юзага келган ҳолатлар бўйича қўшимча аудиторларни жалб қилиш зарурияти туғилганда;

- в) аудиторлик текшириш жараёнида банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлар томонидан банкка зарар етказганлиги ҳақида гувоҳлик берадиган фактлар аниқланганда;

П БОБ. БАНКЛАРДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларида аудит ўтказиш тартиблари

Республикада тадбиркорликнинг ривожланиши, хусусий тижорат корхоналарини ва акционерлик тижорат банкларнинг ташкил қилиниши, республика капитал бозорининг юзага келиши ўз навбатида ушбу субъектлар фаолиятини нафақат давлат органлари томонидан назорат қилиш, балки манфаатдор шахслар (корхона акционерлари, кредиторлари, таъсисчилари) томонидан ҳам ушбу корхоналарнинг молиявий ахволи тўғрисида ҳолис маълумотга эга бўлиш эҳтиёжи юзага келди. Акционерлар, хусусий мулк эгалари ўз маблагларининг нималарга сарфланаётганлигини ва қандай фойдаланилаётганлигини натижада қандай самара олинаётганлигини билиши, ўз жамғармаларидан қандай даромад, фойда олиши мумкинлиги ва олинган бу фойда қанчалик тўғри ҳақиқий эканлигини билишга эҳтиёж туғилди. Шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб ҳолис ва малакали текширувларга ҳам эҳтиёж юзага келди.

Аудитнинг келиб чиқиши биринчи навбатда ҳисоботни тузувчилар (субъект раҳбарлари) манфаатлари ва ундан фойдаланувчилар (субъект мулк эгалари) манфаатларининг мос келмаслиги, ҳўжалик юритиш қарорини қабул қилиш учун ҳолис маълумот зарурлиги, маълумотларни баҳолаш учун маҳсус билим лозимлиги, олинган маълумотларни баҳолаш учун керакли маълумотлар тижорат сири бўлганлиги сабабли юзага келди.

Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувини ўтказиш, профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мос келишини аниқлаш мақсадида

хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти мураккаб операциялар ва жараёнларни ўз ичига олади. Банкларда содир бўлаётган барча ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш ва назоратини таъминлаш анча қийин ва мураккаб фаолиятдир. Ушбу муаммолар аудит ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Аудит ташкил қилиниши ва ўтказилишига кўра ички ва ташқи аудитга бўлинади

Банк аудити аудитнинг бир кўриниши бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботлари ва бошқа молиявий ахборот тўғрилигини ва қонун ҳужжатларига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни текширишдир. Банк аудити, умумий аудит ички ва ташқи аудитларга бўлинади.

Ички аудит- ички назорат тизими ва банкнинг хавфсизлик тизимини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Банк фаолиятига омонатчилар манфаатларини химоя қилиш ва аниқ натижаларга эришиш мақсадида ички назорат тизими жорий этилади. Ички назорат тизими банкнинг иш режаси, усули ва жараёнлари, фойданинг кўпайиши ҳамда банк раҳбарияти топшириқларининг аниқ бажарилишини таъминлашни ўз ичига олади. Ички аудит банк таркибининг ташкилотчилик бўлинмаси сифатида тан олинган бўлиб, банк кенгашига бўйсунди. Ички аудитнинг вазифаси турлича бўлиши мумкин: бухгалтерия ишини тўғри олиб борилишини текшириш; банк даромадлари ва харажатлари ҳисобининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш(фойдани тўғри ҳисоблаш, харажатларнинг ўз вақтида ҳисобварақларда акс эттириш ва бошқалар); бошқа муамалаларнинг қонуний бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар.⁷

⁷ “Тижорат банкларининг ички аудитига марказий банк томонидан қўйилган талаблар тўғрисида” ги Низом. Адлия вазирлигида 2000й.22 декабрда 992-рақам билан Рўйхатга олинган.

Ички аудитнинг асосий мақсадлари ва вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ички аудит текшируви натижалари асосида банкнинг реал ҳолати ва ички назорат самарадорлигининг аниқ ҳолати тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан Банк Кенгашини таъминлаш;

- ички аудит тизимини ва ички аудит текширув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- банк фаолияти олдига қўйилган мақсадга эришишда маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини кузатиш;

- таваккалчиликни бошқариш жараёнини қўлланилишини ва таваккалчиликни баҳолаш методологиясининг самарадорлигини кузатиш;

- молиявий ахборот тизимини, шунингдек электрон ахборот тизими ва электрон банк хизмати кузатиш;

- бухгалтерлик ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини кузатиш;

- банк капиталининг таваккалчилигини баҳолаш тизимини кузатиш;

- банк фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

- доимий тақдим этиладиган ҳисоботларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;

- Бухгалтерия китоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини ва ишончлилигини ўрганиш;

- Банк раҳбарияти билан биргаликда фаолият юритиш;

- Банк кенгаши талабларига биноан махсус текширишларни ўтказиш ёки ўтказишга амалий ёрдам бериш;

- Аудит хизмати текширувлари жараёнида аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида банк Кенгашига ахборот бериш.

Ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш учун услубий топшириқномалар ёки йўриқномалар ишлаб чиқилиши тавсия этилади. Ушбу йўриқномалар керакли иш объектларида нималарни назорат қилишни аниқлаб беради. Ички

аудит йиллик режа асосида олиб борилади. Текширувни ташкил этиш ва ўтказишда ички аудит бошлиғи тўла жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Ички аудит банк бошқарув- назорат тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Ички назоратнинг хусусиятининг тарихан ўзгарган бўлиб, аввал аудитнинг роли молиявий бошқарув ва активлар хавсизлигини таъминлашдан иборат эди. Назорат қийинлашган шароитда ички назорат тизимининг циклик бажарилиш жараёни аста-секинлик билан ривожланиб боради.

Ички аудитнинг вазифаси – ходимларнинг ўз вазифаларини имкон қадар сифатли ва самарали бажарилишига ёрдам берадир. Ички аудитор бухгалтерия маълумотлари тўғрилигини текширади. Ички аудиторлар банк кенгаши олдида ҳисобот беради ва аудиторлар кумитаси билан тўғри алоқаларда бўлади. Ички аудит хизматини назарий жиҳатидан банк кенгаши томонидан ажратилган ва тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялштирилиш керак бўлсада амалиётда бу тартиб ҳар доим ҳам ишламайди. Бунга биз кўп йиллик тажриба ва таҳлил натижалари асосида ҳамда ички аудит хизмати ходимлари билан ўтказилган суҳбат натижасида шундай фикрга келдик. Бу масалага илмий ишимизнинг кейинги бобида атрофилича тўхталиб ўтамиз.

Ички аудитнинг объектлари банкнинг тўлиқ фаолияти ёки алоҳида хўжалик жараёнлари(операциялари) бўлиши мумкин. Ички аудит натижаларига асосан банк раҳбарлари ва бошқа манфаатдор шахслар керакли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Банк ходими ҳисобланган аудитор кунлик бухгалтерия ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилаётганлигини текширувдан ўтказиб боради.

Бош банк аудиторлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувида текширилаётган даврдаги ҳисобот маълумотлари аналитик ҳисоб ҳужжатларига солиштириш йули билан текширув амалга оширилади.

Марказий банк томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувида ҳукумат қарорларига, Президент фармонларига, Марказий банк

йуриқномаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинаётганлиги текширувдан ўтказилади. Ушбу текширув танланма ёки комплекс усуллардан бирида амалга оширилади.

Ички аудит хизмати (кейинги ўринларда "Аудит хизмати") - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма.

Ҳар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек банк Кенгаши тасдиқлайдиган "Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом", "Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари" ҳамда "Бош ички аудитор лавозим йўриқномаси"ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Банк Кенгаши тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Аудиторлик қўмитасини тузиши лозим ва ушбу қўмита таркибига фақатгина банк Кенгаши аъзолари киритилиши лозим.

Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича малакага эга бўлиши ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим.

Ҳар бир текширув якуни бўйича аниқланган камчиликлар банк бошқарувчисига тақдим қилиб борилади. Банк бошқарувчиси томонидан бошқарув қарорини қабул қилиш учун аудитор томонидан тақдим қилинган маълумотлардан фойдаланилади.

Бош банк аудиторлари ҳамда Марказий банк аудиторлари томонидан кўпи билан бир йилда бир маротаба, камида уч йилда бир маротаба


мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилади. Ушбу текширув даврида барча ҳисобот маълумотлари бошланғич ҳужжатларга солиштириш йўли билан текширув амалга оширилиб, ҳукумат қарорлари, президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси йўриқномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бажарилаётганлигини текширилади. Ушбу назоратни ўтказишдан мақсад бошқа текширувлар даврида, яъни Марказий банк, солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлимлари томонидан ўтказилган текширувлар даврида камчилик аниқланмаслиги бўлиб ҳисобланади.

Аудит хизмати мустақилдир ва у бевосита банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунди. Банкнинг ҳудудий филиалларида тайинланган барча Аудит хизмати ходимлари бевосита бош аудиторга бўйсунилари лозим. Бош аудитор банк Кенгаши қарорига асосан тайинланади ва ўз хизмат вазифасидан озод этилади. Аудит хизмати ходимлари Бош аудитор тақдимномасига мувофиқ банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланади. Бош аудитор ҳар йили Аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқилади.

Ташқи аудит - бу ташқи манфатдорларнинг буюртмаларига асосан ҳўжалик юритувчи субъектлар(банк) фаолиятини текшириш ва экспертизадан ўтказишдир.

Ташқи аудит - юқорида айтиб ўтганимиздек мустақил аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириш ва у бўйича хулоса беришдан иборат. Ташқи аудит ички аудит билан ўзаро алоқада олиб борилади. Биринчи ўринда ички назорат фаолияти ва ташкилотчилиги баҳоланади, бунда ички аудитнинг объективлик даражаси, мустақиллиги, бажарилган ишлар ҳажмига эътибор қаратилади. Ташқи аудиторлар текширилаётган банкнинг умумий фаолиятини ўрганадилар. Обьектив баҳолаш учун биринчи навбатда актив ва пассив муомалаларнинг ҳолати кўриб чиқилади. Банкнинг

молиявий ҳисоботи тўғри тузилганлиги ва унда акс эттирилган муомалаларнинг қонун талабларига жавоб бериши кўриб чиқиши лозим. Банкдаги аудиторлик текширувларининг объектларидан бири бу банкнинг йил яқунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботидир. Молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бу банкнинг баланси бўлиб, баланс беш бўлимдан, актив ва пассив қисмларидан иборат. У банкнинг даромадлари ва харажатлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги бошқа асосий маълумотларни ўз ичига олади.



2.1-расм. Банк фаолиятини текширганлиги тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ҳақиқий деб топилмаслиги⁸

Аудиторлар банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қиладилар, шу жумладан, ликвидликни, кредит портфелининг сифатини, қимматли қоғозларга қўйилган инвестицияларини, валюта муомалаларини, таснифланган ссудаларга асосланган захираларни, бошқарув маълумотлари (менежмент сифатини, даромад ва харажатлар таркибини, маълумотлар

⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди

тизимининг автоматлаштирилганлигини) ва бошқа маълумотларни бирма – бир таҳлил қилиб чиқади.

Аудиторлик фаолияти аудиторлик фирмаси раҳбарияти томонидан режалаштирилади. Аудиторлик фаолиятини режалаштириш: стратегик режалаштириш ва қисмларга ажратиб режалаштириш турларига бўлинади.

Стратегик режалаштириш қуйидаги эҳтиёжларни аниқлайди:

- билим ва тажрибага асосланган иш ҳажми;
- рискларни аниқлаш;
- мижозларнинг хоҳиши.

Банкнинг текшириш жараёнида аудиторлик иш ҳажми ва аудиторлик риски даражасини баҳолаш аудиторнинг билим ва тажрибаси катта ёрдам беради.

Аудит текширишлари жараёнида қуйидаги текшириш усулларида фойдаланиш мумкин: назорат усули; аналитик усули; муомалаларни синчиклаб ўрганиш усули.

Нazorat усулига-банк бошқаруви назоратининг сифати, компьютар назорат тизимининг мавжудлиги, ҳақиқий активлар(пул билетлари, қимматли қоғозлар ва бошқалар)ни текшириш киради.

Аналитик усулига – кредит суммасининг қолдиғини тасдиқлаш учун мијозларга хат билан муружат қилиш, муомалалар даражасининг кўтарилиши ёки пасайиши, мавжуд даромад кўрсаткичлари билан олдинги йиллар кўрсаткичларини солиштириш киради.

Нazorat ва аналитик усуллар тез ва кам иш талаб қиладиган усуллардир. Маълумотларни синчиклаб ўрганиш усули бухгалтерия ҳисоби хужжатларининг текшириш натижаларини, ҳисоб ёзувларининг хужжатлар билан мослигини ва солиштира текширувлар ўтказишни ўзида акс эттиради.

Тижорат банклари фаолиятнинг таъсис хужжатларини ўрганишдан ва унинг устав капиталини шакллантирилишининг тўғрилигини текширишдан

бошламоғи лозимдир. Умумий ҳолда ушбу тижорат банкларида аудиторлик текшируви қуйидаги босқичлардан иборатдир.

Вазифаларни аниқлаш

Режалаштириш:

- а) фаолият билан танишиш
- б) аудит режасини ишлаб чиқиш
- в) Ишларни мувофиқлаштириш

Ички назорат тизимини баҳолаш:

- а) Назорат процедураларини аниқлаш, хужжатлаштириш ва синовдан ўтказиш.
- б) Ташқи омиллар таъсирини ўрганиш.
- в) Текшириш процедураларининг хажмини, қўллагани ва характерини аниқлаш

Бевосита текшириш процедурасини бажариш.

Ички ҳўжалик молиявий ҳолатини таҳлили

Аудит натижаларини расмийлаштириш ва керакли тавсиялар бериш

2.2-расм. Аудиторлик текшируви босқичлари⁹

Аудиторлик текширувларини ўтказиш мақсадида банкнинг капиталини шакллантириш ва ўзгартириш муаммоларининг қонунчилик хужжатларига, Марказий банк меъёрий хужжатларига мослигини аниқлаш, шунингдек ушбу муомалаларнинг банк бухгалтерия хисобида тўғри акс этирилганлигини текширишдан иборат.

⁹ Норқобилов С. Абдусаломова О. “Банкларда аудит” Ўқув қўлланма.Тошкент Молия Институтини, Тошкент”Маънавият”-2005й-176б

Банк устав капиталининг шакллантирилиши ва ўзгартириш муомалалар аудити асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- банкнинг ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатишининг қонунийлиги;
- акционерлик жамияти шаклида бўлмаган банклар устав капиталини шакллантириш муомалалари аудити;
- акционерлик жамияти шаклидаги банклар устав капиталининг шакллантириш муомалалари аудити;
- акционерлардан сотиб олинган ўз акцияларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- таъсисчилар билан дивидендлар бўйича муомалалар аудити;
- банк устав капиталини ўзгартириш бўйича муомалалар аудити.

Аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида қуйидаги маълумотлар манбалари ўрганилади: таъсис ҳужжатлари – Низом, таъсис шартномалари(акционерлик банклар учун) эмиссия проспекти ва акционерлар реестри, акцияларини сотиб олиш учун шартномалар, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома, банк лицензияси, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, банк балансига мулк қабул қилиш далолатномалари ва ҳ.к.

Текширув ўтказиш маълумот базаси бўлиб баланс ҳисобварақлари бўйича ҳисоб регистрлари хизмат қилади.

Текширув ўтказиш жараёнида қуйидаги асосий аудиторлик процедуралари бажарилиши керак:

- банк ташкил қилиниши ва рўйхатга олиниши қонунийлигини текшириш;
- банк муомалаларининг қонунчиликка, низомга ва лицензиясига тўғри келишини текшириш;
- банк устав капиталини шакллантириш учун олинган активларни текшириш.

Банк ташкил қилиниши ва рўйхатга олиниши қонунийлигини текшириш фақат бошланғич аудитда амалга оширилиб, аудиторлик

фирмаси билан узоқ муддатли шартнома тузилган бўлса ушбу шартнома бажарилмаслиги мумкин.

Банк таъсис хужжатларини экспертизадан ўтказиш асосан жорий қонунчиликда банкнинг ташкил қилиш учун ўрнатилган чекловларни бажарилишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Янги ташкил қилинаётган банк устав капитали миқдори Тошкент шаҳрида 10 млн.Евро, бошқа аҳоли пунктларида ташкил қилинадиган, чет эл капитали иштирокида ташкил қилинадиган ва хусусий банклар устав капитали – 5 млн. Евро миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Банклар муомалаларининг(операцияларининг) қонунчиликка, низоми ва лицензиясига тўғри келишини текшириш банк уставида кўрсатилган муомалалар рўйхати “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунга, банк томонидан амалга ошириладиган муомалалар эса унинг лицензиясига мос келишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Банклар муомалаларининг жорий қонунчиликка ва уставига мос келишини текшириш давомида, шуни эсдан чиқармаслик лозимки банкларга ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти билан шуғулланиш маън қилинади.

Банклар устав капиталини шакллантириш учун олинган активларни текшириш қонунчилик талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Ушбу меъёрий хужжатлар бўйича акцияларнинг тўлови учун қуйидаги активлар қабул қилиниши мумкин:

- Миллий валютадаги пул маблағлари;

- Чет эл валютасидаги пул маблағлари;

Банкнинг ташкил қилиш ва фаолиятни амалга оширишнинг қонунийлигини текшириш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради: банкнинг регистрациясидан ўтказиш учун ва лицензия олиш учун нотўғри маълумот бериш, қонунда белгиланган муддатда банк устав капиталининг шакллантирилмаганлиги. Аудиторлар томонидан аниқланган камчиликлар аудиторлик ташкилотининг раҳбариятига тақдим қилинадиган ҳисоботида ва аудиторлик хулосаларида акс эттирилиши лозим, чунки бундай камчиликлар

жорий қонунчилик бўйича тижорат банкининг лицензиясини бекор қилишга олиб келиши мумкин.

Акционерлик жамияти шаклида бўлмаган банклар аудит жараёнида устав капиталини тўлиқ ва ўз вақтида шакллантирилганлиги, улушларини хар хил активлар билан киритиш қоидаларига риоя қилинганлиги текширилади. Устав капиталидаги юридик шахслар улушлари фақат пул ўтказиш йўли билан, нақд пул билан киритилиши фақат жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши лозим.

Қатнашчи юридик шахслардан келиб тушган пул маблағларини текшириш жараёнида қуйидаги талабларнинг бажарилганлиги текширилади:

а) қатнашчи банклар устав капиталида қатнашиши қонунчилик билан таъқиқланмаганлиги;

б) қатнашчи юридик шахслар уставида бундай муомалани тақиқламаслиги;

в) банк устав капиталига улуш киритиш бўйича қатнашиш юридик шахс қатнашчилари умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма мавжудлиги;

г) қатнашчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномани нусхасининг мавжудлиги;

д) қатнашчининг охириги икки йил бўйича аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган йиллик хисоботи мавжудлиги;

е) Давлат солиқ инспекциясининг банк устав капиталидаги улуш киритиш жараёнида бюджет ва нобюджет фондлари олдида қатнашчиларнинг қарз йўқлиги тўғрисида шартноманинг мавжудлиги;

ж) юридик шахс эмитент билан устав капиталига улуш киритиш тўғрисидаги шартноманинг мавжудлиги;

з) улушларни киритиш белгиланган муддатда киритилганлиги ва бошқалар.

Банк томонидан акционерлардан сотиб олинган ўз акцияларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини текшириш жараёнида қонунчиликдаги чекловларга риоя қилинаётганлиги аниқланади.

Банк - эмитент ўз акцияларини қуйидаги ҳолларда сотиб олиши мумкин: акционерлар умумий йиғилишида акциялар сонини камайтириш орқали устав капитали миқдорини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилса, акционерларнинг банкга улар акцияларини сотиб олиш талаби билан чиқса ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Акциялар акционерлардан директорлар кенгаши қарори билан аниқланадиган бозор баҳосида сотиб олинади. Аммо банк – эмитент балансида акциялар номинал қийматида ҳисобга олинади.

Сотиб олинган акциялар “Акционерлик жамиятилари ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги қонунга биноан сотиб олинган кундан бошлаб бир йил ичида сотилиши лозим. Акс ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу сотиб олинган акциялар номинал қиймати суммасига устав капиталини камайтириб давлат рўйхатидан ўтказишлари лозим. Аудиторлик текшируви процедураси банк – эмитент томонидан сотиб олинган акциялар сотиш муддатигга риоя қилинганлиги устидан назорат қилиш лозим.

Акционерлик жамияти бўлмаган банклардан қатнашчилар сафидан чиқарувчи улуши ҳақиқий қиймати ариза келиб тушган йил бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланади ва чиқаётган қатнашчининг устав капиталидаги улушига пропорционал бўлган банк ўз маблағлари қисмига тўғри келади. Аудиторлик текшируви жараёнида чиқувчи қатнашчи ҳақиқий қийматининг тўғри аниқланганлиги ва ўз вақтида тўланганлиги текширилади. Ўз навбатида банк таъсис ҳужжатларига ўз вақтида ўзгартириш киритилганлиги текширилади. Банк тасисчилар сафидан чиқиш тўғрисида ариза келиб тушган кундан бир ой мобойнида таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиши лозим.

Чиқаётган қатнашчининг ҳақиқий қиймати улуши тўланганлигини аудиторлик текшируви икки йўналишда амалга оширилади:

1) Тўлов манбаси текширилади(банк ўз маблағлари қиймати ва унинг устав капитали миқдори ўртасидаги фарқи);

2) Муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлиги текширилади.

Якуний босқичда банк томонидан сотиб олинган акциялар сотилиши ўз вақтида амалга оширилганлиги текширилади. Ушбу процедура сотиб олинган кундан бошлаб бир йил муддат ичида амалга оширилади. Агар акциялар бир йил мобайнида сотилмаса қонунчилик бўйича тегишли тартибда акционерлар умумий йиғилишида банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қилиниши ёки белгиланган тартибда қоплашни амалга ошириш лозим.

Акционерлар (катнашчилар) билан дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳисоб – китоблар аудиторлик текширувида қуйидагиларга риоя қилинишини текширилади:

- Умумий қоидаларига риоя қилиниши;
- Юридик шахслар – акциядорлар билан ҳисоблашишлар тўғрилиги;
- Жисмоний шахслар – акциядорлар билан ҳисоблашишлар тўғрилиги;
- Норезидент – акционерлар билан ҳисоблашишларнинг тўғрилиги;

Умумий қоидаларга риоя қилинишини текширилиши ҳисобланган дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш манбалари устидан назорат олиб бориш мақсадида амалга оширилади. Бундай манба бўлиб соф фойда, яъни банк ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобланади. Акционерлик банклари учун банк ихтиёрида қолган фойда етишмаслиги ҳолларида имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар қафолатлаш учун банк – эмитент махсус фонди фойдаланилади.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар миқдори банк фаолиятини натижалари бўйича ҳисобот йили якуни бўйича аниқланади.

Дивидендлар ҳисоблаш асосланганлиги аудиторлик текшируви ўтказиш учун банк – эмитент акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини ўрганиш лозим.

Аудиторлик текширувининг кейинги босқичи банк устав капиталининг ўзгартириш муомалаларини аудити ҳисобланади. Жорий қонунчилик

талаблари бўйича банк устав капитали камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб 30 кун ичида ўз кредиторларининг бу ҳақида хабардор қилишлари лозим.

Банк устав капитали миқдорини камайтириш муомлаларини тўғри амалга оширилганлиги аудиторлик текшируви процедураси ушбу муомлаларни амалга ошириш вариантларига боғлиқдир. Яъни акциялар сонини камайтириш орқали ёки акциялар номинал қийматини камайтириш орқали амалга ошириш мумкин¹⁰. Банк устав капиталини камайтириш унинг акциялари бир қисмини қоплаш орқали амалга ошириладиган бўлса, аудитор ушбу жараён имтиёзли акцияларининг умумий миқдорини устав капиталидаги улушига нисбатан миқдори чекловига риоя қилинишини текширилиши лозим. Акс ҳолда бундай камайтиришни амалга ошириш мумкин эмас. Агар банк устав капиталини камайтириш акция номинал қийматини камайтириш орқали амалга ошириладиган бўлса аудитор фаолиятини акция эмиссия проспектининг янги таҳририни ўрганишдан бошламоғи зарур. Ниҳоят аудиторлик текширувида ушбу муомалаларнинг тўғри акс эттирилганлиги аниқланади. Бунинг учун 30321- акциядорлардан қайта сотиб олинган имтиёзли акциялар; 30324- акциядорлардан қайта сотиб олинган оддий акциялар ҳисобларида дебет айланмалари кўриб чиқилади. Бундан ташқари акцияларнинг номинал қийматининг камайиши банк устав капиталининг умумий камайишига мос келишини аниқлаш муҳимдир. Аудитор банклар устав капиталининг оширилишини текшириш жараёнида қуйидагиларни инобатга олмағи зарур:

1) Банк устав капитали ўз маблағлари ҳисобига (капитализация қилиш орқали) оширилиши мумкин.

2) Банк устав капитали катнашчиларининг қўшимча улушлар кириш орқали оширилиши мумкин.

¹⁰ Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида Низом Ўз.Р.Адлия вазирлигидан 27.04.2005 йилда 1216-2-сон билан рўйхатига олинган.

3) Банк устав капитали қатнашчилар сафига қўшилувчи учинчи шахслар қўйилмалари асосида оширилиши мумкин.

Банк устав капитали ўз маблағлари ҳисобига ошириш унинг уставида бошқа ҳолат белгиланмаган тақдирда қатнашчилар умумий йиғилишида ҳамма қатнашчиларнинг 2/3 қисмидан ошиғи овоз берганда амалга оширилиши мумкин. Аудитор капитализация ҳисобига оширилган банк устав капитали суммаси бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича соф активлари ва устав капитали, заҳира фонди орасидаги фарқдан ошиб кетмаганлигини текшириши лозим. Аудитор текшируви ўтказиш жараёнида умумий йиғилишда белгиланган капитализация қилиш тартиби ҳамма қатнашчилар улушларига мос равишда амалга оширилиши лозимлигига алоҳида эътибор бермоғи керак.

Тижорат банклари устав капиталини шакллантириш ва ўзгартириш жараёнлари билан боғлиқ муомалалар Марказий банк томонидан қаттиқ назорат қилинади. Шунга қармасдан банклар ушбу муомалаларни амалга оширишда бир қатор жиддий хатоликларга йўл қўяди. Ушбу хатоликларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- устав капиталини ўзгартириш жараёнидаги хатоликлар;

- дивидендлар бўйича ҳисоблашишлардаги хатоликлар;

Банк устав капиталини шакллантириш жараёнидаги хатоликлар сифатида қўйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- эмиссия проспектида, ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш якунлари бўйича нотўғри маълумотлар тақдим қилиниши;

- имтиёзли акциялар умумий улушига белгиланган чекловларга риоя қилмаслик;

- банк томонидан акцияларни белгиланган меъёрдан ошиқ сотиб олиш ҳоллари;

- акционерлар - жисмоний шахслар учун умумий шахсий варақларини юритишдаги хатоликлар;

-акционерлар шахсий варақлари қолдиқлари баланс ва реестрга мос келмаслиги;

-акцияларни сотиб олишга шароитларнинг йўқлиги;

-бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасида киритилган акциялар учун тўловларнинг нотўғри акс эттирилиши;

-устав капиталига киритилган моддий активларнинг ўз вақтида қабул қилинмаслиги;

-акциялар тўловининг учунчи шахслар томонидан амалга оширилиши;

-устав капиталининг оширилиши ҳақиқатда қатнашчилар умумий йиғилиши қароридан олдин амалга оширилиши;

-акционерлар шахсий варақлари бўйича ҳаракатлар ҳужжатлар (сотиш, воз кечиш) билан асосланмаганлиги;

-акцияларни номинал қийматидан паст баҳода сотилган ҳолларда уни солиққа тортиш базасини камайтирмайдиган ҳаражатлар сафига киритмаслик;

-устав капитали тўлиқ тўланмаслигидан олдин дивидендлар тўлашни амалга ошириш;

-дивидендларни ваколатли органларнинг қарори бўлмасдан тўлаш;

-дивидендларни тўлашни тўлов манбасида солиққа тортмасдан тўлаш;

-чет эл юридик шахслар – акционерларига дивидендлар тўлаганда солиқ ставкасини нотўғри қўллаш;

-банк соф фойдаси имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашга етишмаган ҳолда захира фонди маблағларидан фойдаланиш.

Устав капиталининг ташқи аудитдан ўтказиб бўлгандан сўнг, ўтказилган барча банк операцияларини, жумладан кредит операциялари, пул муомаласи ва касса операциялари, валюта операциялари, чакана хизматлар ва пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолиятини аудитдан ўтказилади. Шундан сўнг банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити билан шуғулланади. Банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити мақсади бўлиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида фойда ва

зарарларнинг тўғри акс эттирилганлиги ишончилигини, соф фойданинг тақсимлааганлиги, захираларнинг шакллантирилиши ва улардан фойдаланишнинг қонунийлигини баҳолаш ҳисобланади.

Банк ўз маблағлари ва молиявий натижалари аудити асосий вазифаларига келгуси давр даромадлари ва харажатларини, жорий даромад ва харажатларни, молиявий натижалар шаклланиши, банк фойдасидан фойдаланиш ва уни тақсимлаш тўғрилигини, банк захиралари ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш киради.

Аудиторлик текшируви ўтказишда маълумот манбаи бўлиб таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар йиғилиши баённомалари, банк фойдасини тақсимлаш ички низоми, шартномалар, қирим ва чиқим бошланғич ҳужжатлари, 30300-устав капитали, 30600-қўшимча капитал, 30900-заҳира капитал, 31200- тақсимланмаган фойда, 40000-45999-Даромадлар, 50000-56999-ҳарожатлар ҳисоблар аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари хизмат қилади.


Келгуси давр даромадлари ва харажатларини аудиторлик текширувида аудитор шу нарсага эътиборини қаратиши лозимки, кўп ҳолларда касса усулида яъни ҳақиқатда олинган пайтда ҳисобга олиб борилади.

Маълумки аудиторлик ҳисоботи - тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик ҳулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир. Аудиторлик ҳулосаси эса - молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва ҳўжалик

юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифасига молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) имзо чекиши шарт.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида катнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.



2.3-расм. Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми таркиби¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан тайёрланди

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида қуйидагилар бўлиши шарт:

- банк ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);
- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш натижалари;
- молиявий-хуўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;
- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Тижорат банки ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-ички назорат тизимининг банк фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

-аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг банк фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

-аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузишлар баёни.

Банк томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-Тижорат банки амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

- аудиторлик текшируви давомида аниқланган, банк амалга оширган молиявийхўжалик операцияларнинг қонунчиликка жиддий номувофикликлари баёни.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни. Активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқий бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Аммо қонунчилик ҳужжатларига асосан тижорат банклари ва аудиторлик ташкилотлари ўртасидаги шартномаларда аудиторлик ҳисоботини Марказий банкга тақдим қилишни чекловчи моддалар бўлмаслиги лозим¹². Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик хулосаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

¹² Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида Низом (Янги тахрирда Адлия Вазирлигида 04.11.2000 й. N 982 рақам билан руйхатга олинган, Марказий банк томонидан 20.06.2000 й. N 403 сонли Қарор билан тасдиқланган)

- а) ном; б) адресатнинг номи; в) кириш қисми; г) Қайд этиш қисми;
- д) якуний қисм; е) аудиторлик хулосасини бериш санаси;
- ж) аудиторлик ташкилоти манзили;
- з) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдикланиши керак. Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қуйидаги реквизитларини ўз ичига олиши керак:

аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлари;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия рақами,
берилган

сана ва лицензия берган органнинг номи;

аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатига олингани тўғрисидаги
гувоҳнома рақами;

аудиторлик ташкилоти ҳисоб-китоб варағининг рақами;

Аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар)нинг,
шунингдек, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва
отасининг исми.

Кириш қисмида сана ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда текширилган
молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилиши керак. Кириш қисмида
қуйидагилар кўрсатилиши керак:

-Хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган
молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар;

аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи
субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ бўлиши
учун жавобгар.

Қайд этувчи қисмда аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа
молиявий ахборот қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик
фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга
асосланиши кўрсатилиши керак. Шунингдек аудиторлик текшируви фикрни
ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик

ташкilotининг тасдиғи берилиши керак. Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкilotининг текширилган молиявий-хисобот хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериш-бермаслиги ва молиявий хисобот қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳусусидаги фикри равшан баён этилиши керак.

Аудиторлик хулосасига аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкilotи раҳбари имзо чекиши ва у аудиторлик ташкilotининг муҳри билан тасдиқланиши керак.

Аудиторлик хулосаси молиявий хисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва (ёки) рози эмаслиги юзага келтирган чеклашларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик хулосаси очик ахборот ҳисобланади, ундан молиявий хисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олади.

Ташқи аудитнинг асосий буюртмачилари давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, кредиторлар, солиқ идоралари, марказий банк ва бошқа манфаатдорлар ҳисобланади.


“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 43- моддасида : “Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширувларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текширилиб турилиши лозим. Аудит, ҳусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади” деб таъкидланган.

Ташқи аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Банк фаолиятига оид қабул қилинган қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинишини текшириш;

- Банк мулкидан мақсадли фойдаланишини ва самарадорлигини текшириш;

- Четдан жалб қилинган сармоялардан тўғри фойдаланишини текшириш;
- Солиққа тортилувчи кўрсаткичлар, солиқларнинг тўғри ҳисобланишини ва бюджетга тўлиқ ўтказилишини текшириш;
- Ўзаро ҳисоб–китобларнинг тўғри олиб борилишини текшириш;
- Банкнинг ҳисоб сиёсати ва унга тўлиқ риоя қилинишини аниқлаш;
- Банкнинг молиявий ҳисоботининг асосли эканлигига ва ҳаққонийлигига ҳолисона баҳо беришдан иборатдир.



2.4-расм. Ташқи аудитнинг асосий вазифалари ¹³

Ташқи аудит бетараф ва дахлсиз аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилади. Ушбу ташқи аудитнинг асосий объектлари қуйидагилардан иборат: молиявий натижалар; ўзаро ҳисоб–китоблар операциялари, шу жумладан экспорт – импорт, бартер операциялари, қимматбаҳо қоғозлар, кредитлаш билан боғлиқ операциялар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ҳўжалик юритувчи

¹³ Муаллиф томонидан тайёрланди

субъектлар- тижорат банклари ҳар йили бир маротаба мажбурий аудитдан ўтказилиши лозим.

Банкларни аудиторлик текширувдан ўтказишнинг ўзига ҳос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк томонидан белгиланади.¹⁴

Банклар «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида»ги Низомга асосан тижорат банклари фаолияти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатиغا эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари аудит текшируви натижалари бўйича банкларнинг молиявий ҳисоботларининг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ушбу Талабларни инобатга олган ҳолда мувофиқ тасдиқлайдилар (ёки тасдиқламайдилар) ҳамда банкларнинг йиллик ҳисоботиغا илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосаларини берадилар.

Банклар ҳар йилги молиявий ҳисоботни унда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланадиган ва матбуотда чоп этиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари миллий валюта – сўмда тузилиши шарт. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан, мазкур ҳисоботлар бошқа валюталарда ҳам тузилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти бир банкнинг аудиторлик текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида аудиторлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида банкнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилади. Мазкур ишчи гуруҳ таркиби банк бошқаруви раисининг фармойишига асосан тайинланади. Банкларда молиявий йил якунлари бўйича

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.1996 йилдаги ПФ-1500 –сонли “Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

Ўтказиладиган аудиторлик текширувлари ҳисобот йили тугаганидан кейинги йилнинг 20 апрелига қадар тўлиқ яқунланиши шарт. Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари яқунлангач, ўн кун муддат ичида аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаси, шунингдек аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган банкнинг молиявий ҳисоботларининг асл нусхалари банк томонидан Марказий банкка давлат тилида ва рус тилида тақдим этилиши лозим. Банклар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга асосан банклар аудиторлик текшируви тугаллангандан сўнг 10 кун ичида аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган молиявий ҳисоботлар тўпламини матбуотда чоп этилишини таъминлашлари ва уч кун муддат ичида Марказий банкка ушбу нашр нусхасини тақдим этишлари шарт. Банклар аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномани тузишда юқорида қайд этилган муддатларни эътиборга олмаган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни қўллайди. Аудиторлар текширув жараёнида банкдан, банк Кенгаши ва Бошқарувидан мустақил бўлишлари шарт. Текширувни амалга оширувчи аудиторлар банк билан алоқадор шахс, шунингдек шахсий, молиявий ва ўзаро иш муносабатларига эга бўлмасликлари лозим.

Ички ва ташқи аудитнинг бир биридан фарқи ва умумийлиги мвжуд бўлиб банкнинг бу назорат турлари тавсифи ўзига ҳос жиҳатлари 2- иловада батафсил берилган.

2.2. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини ташқи аудитдан ўтказишнинг таҳлили

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказишда аудиторлик ташкилотлари олдига янги талаблар қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунинин 10-

моддасига мувофиқ банклар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари лозимлиги белгиланган.

2.1-жадвал.

Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ва амалда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлар рўйхати¹⁵

№	Аудиторлик ташкилотларнинг номи
Хорижий аудиторлик ташкилотлари	
1.	«ПрайсвотерхаусКуперс»
2.	«Эрнст энд Янг»
3.	«Делойит энд Туш»
Маҳаллий аудиторлик ташкилотлари	
4.	«Холис Гурух»
5.	«Аудикон»

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 4 ноябрда 982-сон билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикасидан банкларни аудит текширувидан ўтказиш тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан айрим банк аудитини ўтказишга ҳуқуқи ва лицензияси бўлган ташқи аудиторлик ташкилотлари ҳозирги кунда 5 тани ташкил этади. Улардан 3 таси хорижий аудиторлик ташкилотлари ва 2 таси яъни, «Холис Гурух» ва «Аудикон» аудиторлик ташкилотлари маҳаллий аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади. Ташқи аудитнинг амалда бажараётган хизматлари моҳиятини таҳлил қилиш, уларнинг муҳим турларини фарқлаш, тасниф этиш ва тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 14 февралдаги 19-сонли буйруғи билан тасдиқланган 90-«Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС)нинг 3-параграф – «Касбга доир

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк маълумоти.

хизматлар рўйхати» таркибига халқаро аудиторлик ташкилотлари тажрибасига таяниб, банк ташқи аудитини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари хизматлари таркибига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: иқтисодий ва стратегик ривожланиш соҳасидаги хизматлар; информацион хизматлар борасидаги хизматлар; баҳолаш хизмати.

Ҳозирги кунда банкларда аудит текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатга эга бўлган ҳамда амалда фаолият кўрсатаётган аудитор-жисмоний шахслар 20 кишини ташкил қилади. Ушбу малака сертификатига эга бўлган аудитор-жисмоний шахсларларни 25 фоизи яъни, 5 таси Холис Гуруҳ аудиторлик ташкилотида фаолият юритади. Шунингдек, малака сертификатига эга бўлган аудитор-жисмоний шахсларлардан 10 фоизи яъни, 2 таси аудиторлик ташкилотида фаолият юритмайди.

2.2- жадвал

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган ҳамда амалда фаолият кўрсатаётган аудитор-жисмоний шахслар тўғрисида

МАЪЛУМОТ¹⁶

1.	Эрнаст энд Янг	4
2.	Прайсвотерхаус Купер	2
3.	Делойит энд Туш	3
4.	Холис Гуруҳ	5
5.	Аудикон	3
6.	«Orient Audit Group»	1
7.	Аудиторлик ташкилотида ишламайди	20
Жами		20

Бунда, банк молиявий барқарорлигига таъсир этадиган барча омиллар: капитал етарлилиги, активлар ва капиталнинг даромадлилик даражаси, активлар динамикаси, кредит портфелининг риск даражаси, инвестиция портфели каби бир қатор кўрсаткичларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиниши керак. Молиявий ҳисобот кўрсаткичлар таҳлили турли банкларнинг фаолиятини қиёсий таққослаш ҳамда яқин ўтган 2 йиллик

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк маълумоти.

даврдаги ўзгариш жараёнини ўрганиш, банкнинг истиқболдаги молиявий ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Ушбу кўрсаткичлар таҳлилин тижорат банклари мисолида ташқи аудит ёрдамида аниқланган қуйидаги маълумотлар асосида кўришимиз мумкин. Активлар сифати ва таваккалчиликларни бошқариш жараёнида банкнинг активлари, жумладан балансдан ташқари активлари таркиби таҳлил қилинади. Активлар сифатини таҳлил қилишдан асосий мақсад кредит таваккалчиликларини концентрациясини ва банк активлари диверсификациясини аниқлаш, банк активларининг таркиби, яъни ҳар хил таснифдаги активлар улуши ўрганилади.

2.3 -жадвал

АТИБ “Ипотека банк” активлари ҳолати аудити натижалари, минг сўмда¹⁷

АКТИВ	31.12.2015	31.12.2014
Пул маблағлари ва унинг эквивалентлари	386,801,681	305,589,320
Бошқа банклардаги маблағлар	468,377,476	311,714,084
Мижозларга берилган кредитлар ва бошқа бўнақлар	3,364,996,926	2,493,570,230
Сотишга мўлжалланган инвестицион қимматли қоғозлар	5,356,277	5,246,861
Асосий воситалар ва номоддий активлар	84,639,059	77,139,150
Солиқ талаблари	3,656,006	2,465,259
Кечиктирилган солиқлар	7,684,786	8,468,739
Бошқа молиявий активлар	580,247	331,007
Бошқа номолиявий активлар	35,474,442	29,300,149
Сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар	-	28,523,843
ЖАМИ АКТИВЛАР	4,357,566,900	3,262,348,642

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк активлари йилдан-йилга ўсиш хусусиятига эга. Пул маблағлари ва унинг эквивалентларига назар ташлайдиган бўлсак, 2014 йилда 305,589,320 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 386,801,681 минг сўмга кўпайган.

Тадқиқотлар натижасига кўра, АТИБ “Ипотека банк” активларининг асосий қисмини кредит қуйилмалари ташкил этади. Сабаби, банкда

¹⁷ ООО “Делойт и Туш” аудиторлик ташкилоти ва АИТБ “Ипотека банк” ҳисоботи маълумотлари

кредитлаш амалиётини тўғри ташкил этилиши туфайли банкнинг асосий даромадлари шакллантирилади. Бундан ташқари мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда банк кредитларининг ўрни катта.

Активлар таркиби ва сифатини ўрганишнинг яна муҳим қисмларидан бири бу инвестиция портфелини таҳлил қилишдир. Бунда асосий эътибор инвестицияларнинг тури, уларнинг қайтиш муддати, даромадлилик даражаси ва эмитентлар бўйича инвестиция портфели таркибига қаратилади ва инвестиция портфели концентрацияси, ҳамда қимматли қоғозлар билан операциялар, инвестиция фаолияти бўйича меъёрий кўрсаткичлар ўрганилади. Шу билан бир каторда инвестициялар бўйича йўқотишларни қоплаш мақсадида яратилан заҳиралар етарлилиги ҳам баҳоланади. Инвестицион омиллар ҳам банкнинг бозордаги ўрнини барқарорлигини баҳолашда асосий қисм сифатида қаралади. Бунда банкнинг инвестициявий фаоллик кўрсаткичлари, жумладан иқтисодиётнинг реал тармоқларини молиялаштириш ва номолиявий активларга маблағ жойлаштириш билан боғлиқ инвестициявий фаолият кўлами, ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллик кабилар таҳлил қилинади.

2.4 -жадвал

АТИБ “Ипотека банк” мажбуриятлари ҳолати аудити натижалари, минг сўмда¹⁸

МАЖБУРИЯТЛАР	31.12.2015	31.12.2014
Бошқа банкларнинг маблағлари	191,698,400	153,374,800
Мижозларнинг маблағлари	2,403,574,400	1,900,093,733
Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари	25,313,262	22,380,610
Давлат, ҳукумат ва бошқа халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар	1,409,103,508	927,805,255
Бошқа молиявий мажбуриятлар	3,846,471	2,697,576
Бошқа номолиявий мажбуриятлар	5,017,990	4,515,857
Сотишга мўлжалланган активларга тааллуқли мажбуриятлар		1,702,338
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	4,038,554,031	3,012,570,169

¹⁸ ООО “Делойт и Туш” аудиторлик ташкилоти ва АИТБ “Ипотека банк” ҳисоботи маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк мажбуриятлари йилдан-йилга ўсиш хусусиятига эга. Бошқа банкларнинг маблағларига назар ташлайдиган бўлсак, 2014 йилда 153,374,800 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 191,698,400 минг сўмга кўпайган. Тадқиқотлар натижасига кўра, АТИБ “Ипотека банк” мажбуриятларининг асосий қисмини Мижозларнинг маблағлари ташкил этади.

Банкнинг жалб қилинган маблағлар диверсификациясини ўрганиш мақсадида мажбуриятлар таркиби кўриб чиқилди. Банкнинг жалб қилинган депозитлари таҳлил қилинганда, депозитларнинг мижозлар ва қайтариш муддатлари бўйича таркиби ва банк мажбуриятларидаги улуши кўриб чиқилди. Таҳлил жараёнида банкнинг ликвидликнинг ташқи манбааларидан, жумладан пул бозоридан, кредит линиялари ва Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитларидан қанчалик самарали фойдаланаётгани баҳоланади.

Банкнинг ўсиш истиқболлари таҳлил қилинаётганда унинг миллий ва халқаро банк хизматлари бозоридаги фаолиятининг кўламлигини аниқловчи омиллар кўриб чиқилади. Бу омилларни ўрганиш банк фаолиятининг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон бериб, банкнинг молиявий фаолияти натижаларига бевосита таъсир ўтказди.

2.5 -жадвал

АТИБ “Ипотека банк” хусусий капитали ҳолати аудити натижалари, минг сўмда¹⁹

Хусусий капитал	31.12.2015	31.12.2014
Устав капитали	242,501,121	182,302,396
Эмиссион даромад	754,417	754,417
Тақсимланмаган фойда	75,757,331	66,721,660
ЖАМИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	319,012,869	249,778,473

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АТИБ “Ипотека банк” хусусий капитали ўсиш хусусиятига эга бўлган.

¹⁹ ООО “Делойт и Туш” аудиторлик ташкилоти ва АИТБ “Ипотека банк” ҳисоботи маълумотлари

Тақсимланмаган фойдасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йилда 66,721,660 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 75,757,331 минг сўмга кўпайган. Изланишлар натижасига кўра, АТИБ “Ипотека банк” хусусий капиталининг асосий қисмини устав капитали ташкил этади.

2.6 -жадвал

АТИБ «Ипотека-банк» фойда ва зарар ҳамда бошқа умумий даромад тўғрисидаги йиғма ҳисобот (млн. сўмда)²⁰

кўрсаткичлар	31.12.2015	31.12.2014
Фоизли даромадлар	300753	232686
Фоизли харажатлар	(138433)	(102989)
Соф фоизли даромадлар	162320	129697
Кредит портфелининг қадрсизланиши буйича захира	(13869)	(27)
Кредит портфелининг қадрсизланиши буйича захира ташкил этилгандан кейинги соф фоизли даромадлар	148451	129670
Воситачилик даромадлари	146315	143043
Воситачилик харажатлари	(25208)	(22872)
Даромадлар, хорижий валюта билан операциялар бўйича харажатларни чегириб ташлаганда	5544	3494
Даромадлар, хорижий валюталарни қайта баҳолаш бўйича харажатларни чегириб ташлаганда	33732	15892
Харажатлар, хорижий валюталарни қайта баҳолаш бўйича харажатларни чегириб ташлаганда	(228)	(493)
Дивидендлар тарзидаги даромадлар	454	73
Бошқа операцион даромадлар	7508	4815
Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	(245521)	(205722)
Солиқдан олдинги фойда	71617	64195
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(16512)	(11434)
Йиллик фойда	58044	50949
Бошқа умумий даромад/(зарар)		
Сотувда мавжуд инвестициялар:		
- Йиллик даромадлар / (харажатлар)	-	204
- Бошқа умумий даромад таркибий қисмга тегишли фойда солиғи бўйича тўлов / (даромад)	-	(32)
Йиллик бошқа умумий даромад / (зарар)	-	172
Жами йиллик умумий даромад	58044	51122

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АТИБ “Ипотека банк” жами йиллик умумий даромади ўсиш хусусиятига эга бўлган. Соф

²⁰ ООО “Делойт и Туш” аудиторлик ташкилоти ва АИТБ “Ипотека банк” ҳисоботи маълумотлари

фоизли даромадларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йилда 129697 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 162320 млн. сўмга кўпайган. Изланишлар натижасига кўра, АТИБ “Ипотека банк” жами йиллик умумий даромадининг яна бир асосий манбаини воситачилик даромадлари ташкил этадган.

“Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ёки “Умумий даромад тўғрисида”ги ҳисобот моддалари тегишли банк даромад ва харажат ҳисобварақларидаги қолдиқлар бўйича тўлдирилади.

2.7-жадвал

АИТБ "Ипотека банк"и кассасидаги нақд пуллари қолдиғи ташқи аудити натижалари²¹

кўрсаткичлар	2013		2014		2015	
	млн. Сўмда	улуши, фоизда	млн. Сўмда	улуши, фоизда	млн. Сўмда	улуши, фоизда
Кассадаги нақд пуллар	106437	18,29	71929	23,54	80626	20,84
Марказий банкдан олинадиган маблағлар (мажбурий заҳиралардан ташқари)	124553	21,41	40031	13,10	138549	35,82
Бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақлари ва овернайт кредитлари	341387	58,67	175010	57,27	154490	39,94
Дастлабки қайтариш муддати 3 ойдан кам бўлган бошқа банклардаги депозитлар	9469	1,63	18619	6,09	13136	3,40
Жами пул маблағлари ва унинг эквивалентлари	581846	100,00	305589	100,00	386801	100,00

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Кассадаги нақд пуллар 2013 йилда 106437 млн. сўмни ташкил этиб, жами пул маблағларидаги улуши 18,29 фоизни ташкил қилган, 2015 йилда 80626 млн.сўмни ташкил этиб, жами пул маблағлари ва унинг эквивалентларидаги улуши 20,84 фоизни ташкил қилган.

²¹ ООО “Делойт и Туш” аудиторлик ташкилоти ва АИТБ "Ипотека банк" ҳисоботи маълумотлари



2.5-расм. АИТБ "Ипотека банк"и кассадаги нақд пуллари қолдиғи бўйича аудиторлик хулосаси²²

Расм маълумотларидан кўринадикки, Кассадаги нақд пуллар 2013 йилда 106437 млн. сўмни ташкил этиб, жами пул маблағларидаги улуши 18,29 фоизни ташкил қилган, 2015 йилда 80626 млн.сўмни ташкил этиб, жами пул маблағлари ва унинг эквивалентларидаги улуши 20,84 фоизни ташкил қилган.

Тижорат банклари молиявий ҳисоботга изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда даромадлар ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича тасниф қилиш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак.

Харажатларни фаолият турлари бўйича тасниф қиладиган тижорат банклари харажатларнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан эскириш (амортизация) харажатларини, ходимларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли молларидан фойдаланиш харажатлари бўйича қўшимча ахборотларни очиб беришга мажбурдир.

²² ООО "Делойт и Туш" аудиторлик ташкилоти ва АИТБ "Ипотека банк" ҳисоботи маълумотлари

Банкнинг ички банк хизматлари бозоридаги ўрнининг мустаҳкамлиги ва унинг банк хизматлари нархларига таъсир эта олиш имконияти ҳам баҳоланиб, бунда банкнинг жами активлар, хусусий капитал, кредит портфели ва мижозларнинг депозит пул маблағлари ҳажми бўйича бозордаги мавқеи кўрилади.

Ташқи аудит текширувида тижорат банклари кредит портфели ҳам тўлиқ таҳлил қилинади ва кредит таваккалчиликлари баҳоланади. Чунки, бугунги кунда банклар активларининг асосий қисми берилган кредитларда мужассамлашган. Берилган кредитлар кредитларни қайтариш муддатлари, қарздорларнинг мулкчилик ва ташкилий ҳуқуқий шакллари, жойлашган ҳудуди, иқтисодиёт тармоқлари ва валюта тури бўйича диверсификацияси кўриб чиқилади. Банк кредит қўйилмаларини бир қарз олувчига ёки ўзаро дахлдор шахсларга берилган кредитлар концентрацияси кўрилади. Шу билан бирга берилган йирик кредитлар ҳажми ҳам кўриб чиқилади.

Банкнинг ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш молиявий ҳисобот маълумотларининг сифати ва ҳаққонийлиги даражаси билан амалга оширилади. Бунда, банк ҳисоботларини ташқи аудит текширувидан ўтказишда халқаро стандартлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, тижорат банклари молиявий ҳисоботларини амалий маълумотлар асосида коэффицентлар ёрдамида таҳлил қилиш ундан барча фойдаланувчиларга (сармоядорлар, кредиторлар, омонатчилар ва бошқалар) унинг фаолият шаффофлиги ва ички назорат самарадорлигини баҳолаш ҳамда банк акциядорлари таркиби ҳақида маълумотларни олиш имкониятини яратади.

Ш.БОБ. БАНКЛАРДА АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Банк тизимида аудиторлик текширувлари ўтказишни такомиллаштиришнинг умумий йўналишлари

Республикамиз банк тизимида чет эл инвесторлари ва кредиторлари ҳамда омонатчиларнинг ишончини янада мустаҳкамлашди, хусусан, уларнинг мамалкатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, кредитга лаёқатлилиги ҳамда ликвидлилиги тўғрисида холисона ва аниқ маълумотларларга эга бўлишларини таъминлашда тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудит текширувларининг роли муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботларни Халқаро андозаларга ўтказиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда ва бу ишларни янада ривожлантириш зарур. Чунки бу ишларни тезроқ амалиётга жорий этишни тугаллаш банкларда ташқи аудит ўтказишга қўйиладиган талабларни янада кучайтиришга ва бу аудиторлик текширувларини нуфузли халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилишига имконият яратади.

Республикада банкларнинг фаолияти устидан ички ва ташқи аудит текширувларини янада такомиллаштириш, унинг халқаро стандартларнинг ўзгаришига мос равишда такомиллаштириб боришни таъминлаш мақсадида, мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилган “2011-2015 йилларда республика банк – молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишининг устивор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-1438 сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор банк - молия тизими ва аудиторлик хизмати ходимлари олдига республикада банк назоратини тизимида Базель қўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, бунда банклар капитали,

активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис баҳолашини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ этиш, тижорат банклари фаолиятларини ва бутун республика банк-молия тизимини баҳолаш учун халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган меъёр, андозаларни ҳамда баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банкларда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, банклар миқозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг –таҳлил қилишнинг замонавий услубиётини дунёнинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Жумладан ушбу қарор билан банк назорати тизимида янги стандартларни жорий қилиш бўйича қуйидаги қатор вазифаларни бажариш белгиланганлиги инобатга олиб тижорат банкларининг ички ва ташқи аудит текширувларининг такомиллаштириш масалаларга қаратилган қуйидагиларни асосий йўналишлари сифатида қабул қиламиз:

-Биринчи навбатда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини босқичма -босқич жорий этиш, банклар капиталининг етарлилигига доир талабларни ошириш, банк капитали таркибида уларнинг инқирозли ҳолатлар таъсирига қаршилик кўрсата олишини таъминловчи барқарорлаштириш захираларини ташкил этиш;

-Банк тизими фаолиятини баҳолаш учун “Фитч Рейтинге”, “Мудис”, “Стандарт энд Пуурс” каби еткази халқаро рейтинг компаниялари томонидан амалда қўлланилаётган меъёр, андозаларни ва баҳолаш кўрсаткичларини ички ва ташқи аудит текширувларида фойдаланиш ва жорий этиш шунингдек бу кўрсаткичларни мунтазам янгилаб бориш;

- Банк назорати тизимида, капиталнинг етарлилигига талабларни такомиллаштиришни, эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни кутилаётган йўқотишлар модели асосида шакллантириш бўйича янги тавсияларни жорий қилиш, Банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис

баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилиш;

- банк таваккалчилигини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмини жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифатида мониторингни такомиллаштириш, шунингдек, муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш;

-банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини аниқлаш бўйича меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда банклар миқдорларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг – таҳлил қилишнинг замонавий усулини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш каби вазифалардир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида охириги беш йиллик даври мобойнида банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, банк ҳисоботини ҳалқаро андозаларга ва тамойилларга мувофиқлаштириш, уларнинг меъёрий базасини янада такомиллаштириш борасида бир қатор чора – тадбирлар амалга оширилди.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида, банклар Кенгашлари таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этувчи аъзоларни киритиш ҳамда йирик суммадаги (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) битимларни тузиш ва улар бўйича тўлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларни банк Кенгаши томонидан маъқулланиши механизмларини жорий қилинди.

Ундан ташқари, тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун скоринг-таҳлил қилиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва ушбу таҳлилни амалга ошириш йўлга қўйилди.

“Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ва “Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби” қабул қилинди. Ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш Қўмиталари ташкил этилди.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чора – тадбирлар” мажмуасига мувофиқ, республика банкларида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришнинг 3-босқичини амалга ошириш борасида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди ва давом этмоқда..

Шу билан бирга, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель – 2 ва Базель – 3 тавсияларини мамлакатимиз банк тизимига жорий қилиш лойиҳалари бўйича халқаро ҳамкорлик янад кучайтирилиб, 2012 йилнинг июль ойида тегишли лойиҳа амалга оширилиши бошланди.

Халқаро валюта фондининг етакчи таҳлилчилари иштирокида Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари учун “Банкларнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш учун стресс – тест ўтказиш” ҳамда Германиянинг Дойче Бундесбанки томонидан “Банк назоратини такомиллаштириш” масалари бўйича назарий билимларни ошириш тадбирлари амалга оширилиб борилди.

Бу амалга оширилган тадбирий - чоралар банк назоратининг янги талабларини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқиляётган ва келажакда ишлаб чиқариладиган дастурларни такомиллаштириш, банклар раҳбарлари ва мутахассисларининг бу борадаги билимларини кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Банк тизимидаги ислохотлар, шу жумладан аудиторлик текширувларининг такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилдаги ПҚ-1438 – сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда Республика молия – банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устивор йўналишлари бўйича комплекси чора – тадбирлар Дастури” ҳамда Республика молия-банк тизимининг ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилади. Жумладан:

- банк назорат тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларининг татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизимини ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашуви даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб – қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- ҳалқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожлантиришининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан

холда молия—банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилиш каби йўналишлари белгиланган.

Юқорида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини амалга оширишнинг такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда, Банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель кўмитасининг янги стандартларини жорий қилиш бўйича берган тавсиялари асосида банк аудитини такомиллаштириш ва банк тизимини юқори ҳалқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишни таъминлаш мақсадида, ислохотларни куйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- регулятив капитал таркибини қайта кўриб чиқиш ва капитал компонентларининг етарлилиги бўйича белгиланган талабларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур;

- рискларнинг бир қарздорда (ёки ўзаро боғлиқ қарздорлар гуруҳи), кредитлаш объектида, фаолият ва тармоқда тўпланишини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керак;

- жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда, ҳар бир тижорат банкининг иқтисодий ҳолатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган замонавий услубиётлар асосида банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини тезкор таҳлил қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Бу борада ахборат технологияларини ва комплекс дастурларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш лозим;

- банкларда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизимларига белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш зарур;

-банк фаолиятида камчиликларга йўл қўйилгани учун нафақат унинг бошқаруви рахбариятига балки, унинг кенгаши аъзоларига таъсир чораларини белгиловчи ваколатларни берувчи қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

-Банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, назоратнинг амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини янада яхшилаш, кредитларнинг ўз муддатларида қайтарилишини таъминлаш, кредитлар муддатларини узайтириш амалиётини чеклашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини амалга оширишда , унинг иқтисодий самарадорлигини ва сифатини оширишда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини Молиявий ҳисоботларнинг Халқаро Стандартларига (МХХС) тўлиқ мослаштириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширишлиши лозим деб ҳисоблаймиз, жумладан, молиявий ҳисоботларнинг халқаро Стандартлари талабларига мос келадиган банкларнинг автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш зарур. Шунингдек МХХС талабларига мос молиявий ҳисоботлар маълумотларини йиғишни амалга ошириш учун етарли билим ва малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ҳам аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан кенгроқ тезроқ амалиётда фойдаланишни таъминлаш учун барча иқтисодий субъектлар учун ягона халқаро стандартларга янада яқинлаштирилган ва республика иқтисодиёти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда халқаро аудит стандартларини республикада қўллаш бўйича ягона гуруҳ ташкил этилиши лозим. Бу

вазифани амалга оширишда Республика банлари ассоциацияси ташаббусни ўз зиммасига олса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Банк тизимини ички назоратга масъул бўлган ходимлар учун маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ўқув курслари ва семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3.2 Ички ва ташқи аудит ўтказишнинг молиявий манбаларини такомиллаштириш.

Тижорат банкларида ташкил этилган ва фаолият юритиб турган ички аудит хизмати, унинг фаолиятининг самарадорлиги ҳеч бир банк ҳисоботида ва аудиторлик ҳисоботларида берилмайди. Бунинг ҳисоблашнинг мақбул ягона усули ишлаб чиқилган эмас.

Ички аудит хизмати ходимлари сони ва уларнинг ойлик маошлари ҳам Республикамизнинг турли тижорат банкларида турлича қилиб белгиланиб кўйилган. Бироқ бу фаолият натижасида банкка келтирилаётган даромад аниқроғи зарарларни олдини олиш ва йўл кўйилган хато ва камчиликларни бартараф этилиши билан олинган кўшимча даромад, кўрилган даромадлар ҳисоби ҳеч бир банк томонидан аниқланмаган ва ҳисоботларда кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам бу борада ички аудит фаолиятининг самараси сифатида ички аудит ҳисоботларида банк кенгашига ва Марказий Банкка берилаётган ҳисоботларда берилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бу борада тегишли мутахасислар банк ходимлари ва олимлар илмий изланишлар асосида услубий йўлланма ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз. Бу масала бизнинг илмий изланишларимиз мавзусига кирмаслиги ва бу масалани ҳал қилиш учун алоҳида илмий изланиш зарурлиги, магистрлик диссертациясининг илмий изланишлари ҳажми чекланганлиги сабабли муаммони ҳал қилиш зарурлигини таъкидлаш билан чекландик.

Банкнинг фаолиятидан содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида

оператив аудитни, кунлик якуни бўйича аудиторлик текшируви хизматини тўғри ташкил этиш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва ўз навбатида ўз иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида ойлик маошларини юқорилигини таъминлаш зарур.

Биз таҳлил объекти сифатида танлаб олинган Банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Марказий амалиёт бўлимида шунингдек қўшимча равишда Амалиёт бошқармасида ўтказилаган ички аудит текширувлари натижаларини тахлили шуни кўрсатдики, ҳисоботларда ички аудит ходимларининг фаолияти натижаларини, самарадорлигини ошириш учун, ҳисоботлар сифати ва унда кўрсатилган камчиликларнинг банк раҳбарияти томонидан муҳофафза қилиниши ва бартараф этилиши тўғрисидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики ички аудит хизмати ходимлари томонидан аниқланган хато ва камчиликлар банк раҳбарияти томонидан мунтазам таҳлил қилиниб, муҳофафза қилиниб тегишли чоралар кўрилиб борилсада, талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди. Банк филиали раҳбарияти томонидан ички аудит ходимларининг маълумотларида аниқланган хато ва камчиликлар қандай бартараф этилаётганлиги ҳақида алоҳида фикр ва мулоҳазалари мажлис баённомаларида тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар борлиги аниқланди. Банк филиалларидаги ички назорат хизмати ходимлари раҳбариятига қачон ва қанча далолатнома тақдим қилинган ва улар қачон қандай муҳофафза қилинмоқда, ҳар бир далолатномада кўрсатилган хато ва камчиликлар юзасидан, уларни бартараф этиш ва қайта такрорланмаслигини таъминлаш, шунингдек олдини олиш учун кўрилган чоралар ва тадбирлар тўғрисида маълумотлар жуда кам. Банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Маркази амалиёт бўлимида йил давомида ички аудит хизмати ҳисоботларини муҳофафза қилиш натижасида ходимларга нисбатан жазо чоралари белгиланган. Текширувлар натижасида кўрилган чораларга қараб аудит натижаларига эътибор ва унинг сифат даражасини таъминлаш чоралари деб баҳоладик. Шунинг учун банк ходимларига нисбатан кўрилган

чоралар мавжуд мълумотлардан имкон даражада хабардор бўлишимизга ва банк сирини сақланишини инобатга олган холда таҳлил қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк фаолиятининг натижаси шу банкда хизмат қилаётган барчаси ходимлар фаолиятининг натижаларидир. Инсон омилига унинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашганлиги ва жавобгарлиги нуқтаи назаридан қаралсагина, фаолияти натижаларига баҳо берилсагина ички аудит текширувлари банкнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир аудитордан, банк раҳбаридан юксак маънавият, ахлоқ, билим ва тажриба, ҳалоллик, ўз ишига садоқат билан хизмат қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида Низом”ига кўра Банк кенгаши тижорат банкининг ички аудит хизматини йиллик ҳаражатлари сметасини тасдиқлаб бериши лозим. Бироқ биз таҳлил қилган ТИФ Миллий банк тизимида бу тартибга тўла риоя қилинмаслиги сезилди. Бу билан банкнинг ички аудит хизматининг банк бошқарувига иқтисодий жиҳатидан тўла мустақиллиги таъминланмаган. Низомнинг бу талабини бажарилишига Марказий банк томонидан қитъий назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу билан тижорат банкларида ички аудит хизмати ходимларининг банк раҳбариятига қарамлигига барҳам берилиб, холислиги ва мустақиллиги таъминланади.

Ўтказилган таҳлил ва шахсий кузатувлар Банкда мавжуд ва фаолият кўрсатиб турган ички аудит хизмати ходимларини, танлаш ва лавозимга қўйишда, иқтисодий билимидан ташқари, банк кенгаши ходимлари суҳбатдан ўтиши билан бирга қаттиқ психалогик тестдан ўтказилиши ва шундан сўнг ўз вазифасига тайинланишини йўлга қўйишни зарурлигини тақазо этмоқда.

Банкларда аудит хизматини самарадорлигини ошириш учун уларнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни доимий равишда олиб

бориш керак. Шунингдек аудит ўтказиш жараёнларини компьютерлаштирган ҳолда комплекс дастурларини ишлаб чиқишни ва мавжудларини эса модернизация қилиб боришни йўлга қўйиш зарур. Бу ҳам ички ҳам ташқи аудит ўтказиш учун кетадиган вақтни қисқартиришга олиб келади, ўтказиладиган аудит харажатларини қисқартириб, иқтисодий самарадорлигини оширади. Ҳозирда амалда Банк тизимида ички аудит ўтказиш учун 1,5-2,0 ой. Расмий ҳужжатларда эса бир ой кўрсатилган. Ташқи аудит ўтказиш учун эса 4-5 ой вақт сарф бўлмоқда.

Банк –молия тизимининг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш шу билан бирга ички ва ташқи аудитни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада такомиллаштириш, масъулиятини эса ошириш зарур.

Бизнинг фикримизча, банкларда аудиторлик текширувининг якуний босқичи бўлиб ҳисобланган молиявий таҳлил ўтказиш учун ягона услубий шакллар ишлаб чиқилишини тавсия этамиз. Тижорат банкларининг ҳисоботи ҳар хил манбалардан олинган маълумотлар базаси бўйича ўрганилади. Ҳисобот банкнинг жорий ҳолатини ва бир хил банклар гуруҳи билан таққослаш имконини бериши лозим. Бухгалтерия ҳисоботларини таҳлил қилиш мобайнида текширувчилар қўшимча таҳлил қилиш ва ўрганишни талаб этувчи фактларни юзага чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ички ва ташқи аудит текширувларида банкнинг капиталига Марказий банк томонидан ва ҳалқаро назорат стандартлари томонидан белгиланган меъёрларга амал қилиниши алоҳида таъкидланади. Бироқ капиталнинг ета依илигига қўйилаган меъёрдан икки ва уч баробар юқори даражада ушлаб туриш

ҳам банк учун қанчалик ижобийлиги билан бир қаторда салбий оқибатлари тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазалари билдирилмаган. Шунинг учун аудит текширувлари ҳисоботларида банк капиталининг етар依илиги ва ликвидлик кўрсаткичларини, унга қўйилган меъёрлардан юқори даражада тутиб турилиши натижасида банк қандай иқтисодий йўқотишларга йўл

қўйилаётганлиги ҳақида ҳам ўз фикр ва мулохазаларини алоҳида билидиришларини таклиф қиламиз.

Банк фаолиятининг натижаси шу банкда хизмат қилаётган барчаси ходимлар фаолиятининг натижаларидир. Инсон омилига унинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашганлиги ва жавобгарлиги нуқтаи назаридан қаралсагина, фаолияти натижаларига баҳо берилсагина ички аудит текширувлари банкнинг иқтисодий барқарорлигини мустахкамлашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Бу билан банкнинг ички аудит хизматининг банк бошқарувига иқтисодий жиҳатидан тўла мустақиллиги таъминланмаган. Банкда мавжуд ва фаолият кўрсатиб турган ички аудит хизмати ходимларини, танлаш ва лавозимга қўйишда, иқтисодий билимидан ташқари, банк кенгаши ходимлари суҳбатдан ўтиши билан бирга қаттиқ психалогик тестдан ўтказилиши ва шундан сўнг ўз вазифасига тайинланишини йўлга қўйишни зарурлигини тақазо этмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Банклар ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк хизматлари қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилишни янада оммалаштиришда ички ва ташқи аудит текширувлари натижаларини миждозларга тушунарли қилиб яъни оммабоп қилиб эълон қилиб боришни йўлга қўйиш керак. Бу билан банк миждозларининг банкка бўлган ишончи ортади, банкнинг (имиджи) жозибадорлиги яхшиланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хориж тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган 2011-2015 йилларда молия – банк тизимини ислоҳ қилиш Дастурига мувофиқ банк тизимини барқарорлигини мустаҳкамлаш чора – тадбирлари доирасида Банк назоратини такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим. Бунинг учун Базел Қўмитасининг янги тавсия ва талабларини мамлакатимизнинг банк тизимига 2013 йил якуни бўйича ташқи аудит ўтказишда Ўзбекистон банк тизими амалиётга жорий қилиш лозим. Бунинг учун эса тажрибали ва етук мутахассислардан ташкил топган ишчи гуруҳи ташкил этиш, мавжуд қабул қилинган талабларни янги талабларга мослаштириш бўйича чора тадбирларни белгилаш лозим. Ўз навбатида банкларнинг ликвидлик ва капитали етарлилигини ошириш бўйича ҳалқаро нормалар асосида банк назоратини такомиллаштириш лозим. Ташқи аудит хизмати билан ички аудит хизмати уртасида ўзаро амалий – услубий тажриба ҳамда фикрлар алмашилиб туришни йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз.

3. Банкларда аудит хизматини самарадорлигини ошириш учун уларнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни доимий равишда олиб бориш керак. Шунингдек, аудит ўтказиш жараёнларини компьютерлаштирган ҳолда комплекс дастурларини ишлаб чиқишни ва мавжудларини эса модернизация қилиб боришни йўлга қўйиш зарур. Бу ҳам ички ҳам ташқи аудит ўтказиш учун кетадиган вақтни қисқартиришга олиб

келади, ўтказиладиган аудит харажатларини қисқартириб иқтисодий самарадорлигини оширади. Ҳозирда амалда ТИФ Миллий Банк тизимида ички аудит ўтказиш учун 1,5-2,0 ой. Расмий ҳужжатларда эса бир ой кўрсатилган. Ташқи аудит ўтказиш учун эса 4-5 ой вақт сарф бўлмоқда.

4.Американинг бухгалтерлар институти-American Institute of Certified Public Accountants (AICPA) томонидан тасдиқланган умумий қабул қилинган аудит стандартлари-Generally Accepted Auditing Standards(CAAS) ўз таркибига исбот қилувчи материалларининг мавжудлиги услубини ҳам олади. Унда шундай дейиладики, аудит қилинаётган молиявий ҳисоботга асосланган базани олиш учун у тасдиқланган бўлиши лозим. Аудиторлик исботи текшириш натижалари ҳулосаси учун зарур асос бўлиб хизмат қилади. Аммо ханузгача миллий стандартларимиз ва меъёрий ҳужжатларимизда иқтисодий субъектнинг бухгалтерия ҳисоботи ишончлилигини асословчи аудиторлик далиллари талаб қилинмаган.

Жаҳон тажрибасида аудит ўрнатилган тартиб ва стандартларга амал қилинган ҳолда ўтказилган тақдирдагина у сифатли ҳисобланади. Аудит пухта режалаштирилиши, унинг ўтказилиши аудиторнинг махсус ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Аудитор аудиторлик далилларини йиғишда ва танлаб текширишда маълум талабларга амал қилиниши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ҳам аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан кенгроқ фойдаланишни тавсия қиламиз. Бунинг учун барча иқтисодий субъектлар учун ягона халқаро стандартларга янада яқинлаштирилган ва республика иқтисодиёти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда халқаро аудит стандартларини республикада қўллаш бўйича ягона гуруҳ ташкил этилиши лозим. Бу вазифани Республика банклари ассоциацияси амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

6. Ушбу стандартлар банк аудити жараёнини тартибга солади. Мақсад ва вазифаларни белгиловчи қоидаларни ишлатиш ва қабул қилиш, фаолият билан қизиқувчилар ва фойдаланувчиларга тўғри йўналиш беради. Бу банк

аудити жараёнининг кейинги ривожланиши ва риск даражасини минималлаштириш имконини беради. Бу қоидаларни қабул қилиш билан бирга тижорат банклар аудитининг услуб ва мақсадлари аниқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйилган талаблар тўрисида Низом”ига кўра Банк кенгаши тижорат банкнинг ички аудит хизматини йиллик харажатлари сметасини тасдиқлаб бериши лозим. Бироқ биз таҳлил қилган ТИФ Миллий банк тизимида бу тартибга тўла риоя қилинмаслиги мавжудлиги сезилди. Бу билан банкнинг ички аудит хизматининг банк бошқарувига иқтисодий жиҳатидан мустақиллиги таъминланмаган. Низомнинг бу талабини бажарилишига Марказий банк томонидан қитъий назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу билан тижорат банкларида ички аудит хизмати ходимларининг банк раҳбариятига қарамлигига барҳам берилиб, ҳолислиги ва мустақиллиги таъминланади.

8. Банкнинг фаолиятдан содир бўлиши мумкин бўлган ҳато ва камчиликларни олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида оператив аудитни, кунлик якуни бўйича аудиторлик текшируви хизматини тўғри ташкил этиш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва ўз навбатида ўз иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини таъминлаш лозим.

9. Ташқи аудит ўтказилиши натижасида тақдим қилинган ҳисоботларда банкнинг ички назоратни ва ички аудитининг ташкил этилиш тизимига ва кўрсатган фаолиятига баҳо берилиши, фикр ва мулоҳазалар алоҳида бўлимда ёритилишида уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланиши керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса ички аудит хизмати самарадорлигини аниқловчи усул ва тавсиялар ишлаб чиқилмоғи керак. Биз таҳлил қилган ТИФ Миллий банкда ўтказилган ташқи аудит хулосаларида эса ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида бўлим ажратилсада, улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида фикрлар баён қилинмаган.

10. Тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказишни тартибга солиш учун ва маълум даражада ҳолисликни таъминлаш мақсадида, ташқи аудит

ташкilotини танлаш ва белгилаш учун, ҳар бир тижорат банкини ташқи аудитдан ўтказувчи ташкilotни аниқлаш ва белгилаш билан бирга унинг хизматига ҳақ тўлашни ҳам Ўзбекистон банклар ассоциацияси зиммасига юклаш лозим. Бу тартиб тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудитнинг хизмати ташкilotларининг иқтисодий қарамликни бартараф этади ва текширувларни ҳолисона ва ҳаққоний бўлишини таъминлайди деб ҳисоблаймиз.

Ташқи аудит ташкilotларига ўтказилган аудиторлик хизматлари учун ҳақ тўлашни ҳам Банклар ассоциацияси зиммасига юкланган тартибининг амал қилинишида, Тижорат банкларида ўтказилган ташқи аудит хизмати учун алоҳида фонд ташкил қилиш лозим. Бу фондга эса ҳар бир тижорат банки ўзининг фойдасидан маълум бир миқдорда маблағ ажратиб туришлигини қонуний йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

11. Алоҳида шуни таъкидлаш керакки, ички ва ташқи аудит текширувларида банкнинг капиталига Марказий банк томонидан ва ҳалқаро назорат стандартлари томонидан белгиланган меъёрларга амал қилиниши алоҳида такидланади. Бироқ капиталнинг еталилигига ва ликвидликка қўйилган меъёрдан хаддан ташқари-бир неча баробар юқори даражада ушлаб туриш ҳам банк учун қанчалик ижобийлиги билан бир қаторда салбий оқибатларига ҳам олиб келишлиги тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларни билдирилмаган. Шунинг учун аудит текширувлари ҳисоботларида банк капиталининг етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичларини, унга қўйилган меъёрлардан юқори даражада тутиб турилиши натижасида банк қандай иқтисодий йўқотишларга йўл қўйилаётганлиги ҳақида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини алоҳида билидиришларига эътибор беришларини таклиф қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. Т.: 1995й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Т.: 1996й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун”ни 30.09.1996й.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 2000й. 26 май.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида” ги қонунни. Адлия вазирлигидан 2003 йил 30 августда 530-2-сон билан рўйхатга олинган.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг Солдиқ Кодекси Т.: Адолат. 2010 йил.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2010 йил 6 августда “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилишни устивор йўналишлари ва мустаҳкамлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш тўғрисида”ги П-3476 сонли Фармойиши.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чоратadbирлар мажмуаси” тўғрисидаги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438- сонли Қарори.
- 1.9. “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом” Адлия вазирлигида 20.05.2010йилда 949-6 -сон билан рўйхатга олинган.
- 1.10. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом”, Адлия вазирлигидан 2000йил. 5 парелди 916 –сон билан рўйхатга

олинган.

1.11. “Банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганлиги учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тўғрисида йўриқнома” Адлия вазирлигидан 7.10.2008 йилда 622-3 рақам билан рўйхатга олинган.

1.12. “Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағлар ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд аул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом” Адлия вазирлигидан 21.02.2006йилда 1044-1 –сон билан рўйхатга олинган.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар” 2011 йил 5-октябрь №34-А/1 –сонли МБ қарори.

1.14. “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома” Адлия вазирлигида № 1831 - рақам билан 27.06.2008 йилда рўйхатга олинган.

1.15. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома” Адлия вазирлигида 09.07.2012 йилда 1834-1 –сон билан рўйхатга олинган.

1.16. “Тижорат банкларида кредитларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом”., Адлия вазирлигида 2004 йил 17 декабрда 1435- сон билан рўйхатга олинаган.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йил 34-А/1 сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2011 йил якунлари бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларига қўйиладиган талаблар”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори.

1.18. “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”, Адлия

вазирлигида 15.03.2012 йилд2342 –сон билан рўйхатга олинган.

1.19. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси. Адлия вазирлигидан 13.08.2004й.773-17-сон билан рўйхатга олинган. 2005 й.41б.

1.20. И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

1.21. . Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

1.22. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.-80б.

1.23. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.Т.: Ўзбекистон, 2011.-48б.

1.24. Каримов И.А. 2012 йил Ватанмиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2012. - 36 б.

1.25. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» Ўзбекистон. 2005.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. “Ўзбекистон Республикаси банк тизими” муаллиф: Ф.М.Муллажонов [ва бошқ.] Ф.М. Муллажоновнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри.Т.: O‘zbekiston, 2011.-368 б.

2.2. Ш.З.Абдуллаева. Халқаро валюта-кредит мунособотлари. Дарслик Б.м.: Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. - 576 б

2.3. Банковское дело: Управление и технология: Учёб. Пособие для ВУЗов Под ред. Проф. А.Н. Товашева, Н. Юнитидана, 2005 г.

2.4. Белоглазова Г.Н. Банковское дело, 5-е изд., перераб. и доп. Учебник 2008. 320 ст. Фи.С.

- 2.5. Коваленко С.Б. Банковское дело: сборник тестов. Учеб.-метод. Пособие. 2010. 160 стр. Фи.С,
- 2.6. Банки и банковское дело /Под. Ред. И.Т. Балабанова – СПб Питер 2007
- 2.7. Банк аудити. Маъруза матн Т.: ТМИ, 2005й.
- 2.8. Бонарев В.В. Финансовый анализ. - СПб: Питер 2007й.
- 2.9. Вахрин П.И. Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организациях: Учеб. Пособие – М; Издательство – книготорговых центр Маркетинг, 2007 г. 450стр.
- 2.10. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки. Учебник. М. “Кнорус”. 2007. 320 стр.
- 2.11. Норқобилов С. Абдусаломова О. Банкларда аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент молия институти, Т.: “Маънавият”-2005 й.-176 б.
- 2.12. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007 й, 180 б.
- 2.13. Смирнова Л. Банковский аудит. Учеб. Пос. ФиС. М.: - 2006й. 380 стр.
- 2.14. Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “Шарқ” 2001й.- 336б.
- 2.15. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. Тошкент-“Молия” -2003й.-220 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга қарашли муассаса, корхона ва ташкилотлар фаолиятини аудит қилишга доир кўрсатмалар. 27 июн 1998 йил 409.
- 3.2. Шеремет А.Д. Финансовы анализ в коммерческом банке. – М Финансы и статистика 2007г.
- 3.3. Аренс А., Лоббек Д. Аудит. Учебник. Пер. С англ. 2005. 185 стр.
- 3.4. Валенцева Н. Сборник задач по банковскому делу. М.: - 2007. 120 стр.
- 3.5. Колесников В. Банковское дело. Учебник. 4-е изд. М.: - 2006. 240 стр.
- 3.6. Макальская А.К. Внутренний аудит. Уч. ДиС. М.: - 2005. 170 стр.
- 3.7. Островская О. Банковское дело. Толковый словарь. Гелиос АРВ. М.: -

2005.

3.8. Подольский В.И. Аудит. Учебник для вузов. Юнити-Дана. М.: - 2007. 175 стр.

3.9. Шеремет А.Д. Аудит. Учебник. Инфра-М.: - 2006й. 220 стр.

3.10. Смулов А. М. Промышленные и банковские фирмы: взаимодействие и кризисные ситуации. 2009. 496 ст. Фи.С,

3.11. Суйц В.П., Смирнова Л.Р., Дубровина Т.А. Аудит: общий, банковский, страховой: Учебник/Под ред.проф. В.П.Суйца. 2-е изд. –М.: ИНФРА-М, 2005. – 671 с.- (Высшее образование).

3.12. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. «Проблемные исследования в экономике» Под редакции Муллажанова Ф.М. и др., Издательский дом «Мир экономики и права», 1997г.-384с.

3.13. Интернет сайтлари:

- <http://www.mfer.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий сайти
- <http://www.review.uz> – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти
- <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти
- <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб сайти.
- <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базаси.